



## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ РАСМИЙ ТАШРИФ БИЛАН БИРЛАШГАН АРАБ АМИРЛИКЛАРИДА БЎЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Бирлашган Араб Амирликлари Президенти Шайх Муҳаммад бин Зоид Ол Наҳаённинг таклифига биноан 13-16 январь кунлари расмий ташриф билан ушбу мамлакатда бўлади.

Ташриф доирасида Абу-Дабӣ ва Дубай шаҳарларида учрашув ва тadbирлар ўтказилиши кўзда тутилган.

Давлатимиз раҳбари Амирликлар пойтахтида Президент Шайх Муҳаммад бин Зоид Ол Наҳаён билан икки томонлама музокаралар ўтказди, мамлакатнинг етакчи давлат ташкилотлари, компания ва банклари раҳбарлари билан учрашди, шунингдек, “Абу-Дабӣ барқарор ривожланиш ҳафталиги” халқаро саммитида иштирок этади.

Дубай шаҳрида Бирлашган Араб Амирликлари вице-президенти, Бош вазири, Дубай Амири Шайх Муҳаммад бин Рошид Ол Мактум билан учрашув ўтказилиши режалаштирилган.

Ташриф кун тартибидан Ўзбекистон — БАА дўстлик ва кўп қиррали шериклик

ЎЗА

## Инсон қадрини учун

# ХАЛҚҚА САДОҚАТ БИЛАН ХИЗМАТ ҚИЛИШ ДАВРИ

Кўз очиб-юмгунча 2025 йилнинг илк оyi ҳам ўтиб бормоқда. Лаҳзалар, кунлар шиддати турмуш тарзимизга, давлат ва жамият ҳаётига, ислохотлар силсиласига кўчган. Янги давр ва янгиланаётган дунё билан ҳамқадам бўлиш, улкан режамақсадларга улгуриш онгу шууримизда, қарашларимизда, турмуш тарзимизда ўз инъикосини топмоқда. Табиийки, зиммаимиздаги масъулият, ён-атрофимиздаги ўзгаришларга дахлдорлик ҳисси ҳам каррасига ортган.

Давоми 2-бетда



## Нуқтаи назар

# СУНЪИЙ ИНТЕЛЛЕКТ

## ИНСОНИЯТ УЧУН ФОЙДАЛИМИ ЁКИ ХАТАРЛИ?

Замон шиддат билан ўзгариб, жаҳонда ҳар бир соҳага сунъий интеллект, рақамли технологиялар кириб келяпти. Бу борада юртимизда ҳам қатор лойиҳалар бошланган. Мисол учун, “MyID” ва “UzFace” дастурлари 70 дан ортиқ ташкилот, банк, электрон савдо майдончаси ва тўлов тизимида жорий қилиниб, 10 миллион фойдаланувчини масофавий биометрик идентификация қилиш имконияти яратилди. “Ўзбеккосмос” сунъий интеллектни қўллаб, ер қаъридан ноқонуний фойдаланиш ва рухсатсиз қурилиш билан боғлиқ 43 мингта яқин ҳолатни аниқлади.

Мамлакатимизда сунъий интеллектдан таълим, медиа, транспорт, соғлиқни сақлаш, суд ва бошқа кўплаб соҳаларда фойдаланилмоқда. Масалан, сунъий интеллектнинг кириб келиши тиббиёт учун бир қанча қулайликлар туғдирмоқда. Тизимда шахсийлаштириш, автоматлаштириш, диагностика аниқлигини ошириш ва бошқа йўналишларда қўл келмоқда. Мульти-спирал компьютер томографияси (МСКТ) маълумотлари асосида протезлаш технологиясини ишлаб чиқиш ва жорий этиш, ўткир миокард инфарктидан кейин 12 ойлик реабилитация дастурини шахсийлаштириш ва назорат қилиш учун онлайн платформа ишлаб чиқиш каби лойиҳалар бўйича ҳам изланишлар олиб бориляпти. Шунингдек, жигар циррози ва гепатокарциномани эрта

ташхислашда “ақли” тизимни ишлаб чиқиш сингари лойиҳалар бор. Албатта, сунъий интеллект ҳақиқий шифокорнинг ўрнини эгалламайди ва бу ҳақда ўзи ҳам айтади. У касалигини аниқлаб, даволаниш учун шифокорга мурожаат қилишни тавсия этади. Ўзбекистонда дорилар бўйича оғриқли масалалар бўлди. Сунъий интеллект базисда ишлайдиган шундай дастурлар борки, сиз дорини расмга олиб, дастурга юксангангиз, дори Ўзбекистонда рўйхатдан ўтганми, ундан фойдаланиш мумкинми ёки йўқлигини аниқлаб беради. Бу, албатта, ёмон оқибатлардан сақлаб қолиши мумкин.

Бундан ташқари, геоахборот тизимлари ва сунъий йўлдош тасвирларидан фойдаланган ҳолда Ўзбекистон ўрмонлари

ҳолатини самарали мониторинг қилиш учун инновацион дастурий маҳсулотни ишлаб чиқиш ва босқичма-босқич жорий этиш кўзда тутилган. Видеокузатув камералари асосида ёнғинни тезкор аниқлаб, хабар бериш тизими ҳам яратилмоқда. Биз билган GPS, радар, турникет, кўча ёриткичлари каби воситалар сунъий интеллект элементлари билан бойитилди. Қолаверса, 2020 йилдан аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишни моддий қўллаб-қувватлаш ва тизимга АКТ-ни жорий қилиш борасида салмоқли ишлар амалга оширилди. Сунъий интеллект ахборотлаштириш ва илғор технологияларни турли соҳаларда тағбиқ этиш борасидаги чора-тадбирлар натижасида Ўзбекистонда АКТ ва сунъий интеллект соҳасида ўзига хос салоҳият асослари яратилди. Бу борада

ташкilotлар, АКТ бўйича илмий-тадқиқот марказлари, олий таълим муассасалари ва уларнинг иқтидорли битирувчилари ҳамда технопарклар, хусусий сектордаги қатор ташкilotлар фаолиятини алоҳида эътироф этиш мумкин. Шунингдек, сунъий интеллект ва замонавий ахборот технологиялари йўналишида Фарғона шаҳридаги мактабларда “Ақлли мактаб” дастури, Андижон вилоятида экин майдонлари ҳолатини баҳоловчи “Монтерра” онлайн платформаси жорий этилган бўлса, Тошкент вилояти Нурафшон шаҳрида “Ақлли шаҳар”, Тошкент шаҳрида эса “Хавфсиз шаҳар” ва “Рақамли Тошкент” лойиҳаларини амалга ошириш режалаштирилган.

Давоми 3-бетда

## 14 январь Ватан ҳимоячилари куни

# ҲАР БИРИМИЗ АМАЛДА ВАТАН ҲИМОЯЧИСИ БЎЛАЙЛИК!



Фахру ифтихоримиз — Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучлари ташкил этилганига 33 йил тўлди! Ушбу кутлуғ санани Ватан мустақиллиги, сарҳадларимиз дахлсизлигининг қалқони бўлган Миллий армиямиз халқ билан бирдамлик руҳида, кўтаринки кайфиятда қарши олаётгани кишини қувонтиради. Шу муносабат билан газетамизнинг кўш саҳифасини миллий армиямиз қудрати, аҳоли, айниқса, ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашнинг мазмун-моҳиятини очиб беришга қаратдик.

Зеро, инсон улғайиб боргани сари унинг зиммасидаги бурчлар салмоғи ҳам ошиб боради. Агар ўша бурчларни битта сўз билан ифодалаш керак бўлса, бу, шубҳасиз, ВАТАНПАРВАРЛИҚдир! Чунки юртини севган, ҳар қандай вазиятда ҳам уни ҳимоя қила оладиган инсон комил шахс бўлади. У оиласини яхши кўради, ҳалол меҳнат қилиб, юрдошларига меҳрибон дўст бўлади. Шу бонс, биз ватан ҳимоячиларига доим ҳавас билан қараймиз.

Ўрни келганда таъкидлаш керакки, ҳозирги даврда комил инсонни тарбиялаш осон эмас. Чунки глобал дунёда одамлар, айниқса, ёш авлоднинг қалби ва онги учун кураш кучайиб бормоқда. Бу эса ўз-ўзидан ҳозиргидай ўта мураккаб геосиёсий шароитда ҳарбий-ватанпарварлик руҳидаги тарбиянинг ўрни ва аҳамияти тобора ортиб бораётганини кўрсатади.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2024 йил 12 январь кунини ўтказган Хавфсизлик кенгашининг кенгайтирилган йиғилишидаги нутқида “Бугунги кунда ҳар биримиз амалда Ватан ҳимоячиси бўлишимиз, ёшларимизни ҳам шу руҳда камол топтиришимиз зарур”, дея таъкидлаган эди.

Кейинги йилларда мамлакатимизда аҳоли, айниқса, ёшлар орасида ҳарбий-

ватанпарварлик руҳини шакллантиришга қаратилган катта ислохотлар амалга оширилди. Оддий мисол, жойларда ҳарбийларнинг кўргазмали чиқишлари муттасил ташкил этилиши йўлга қўйилди. Бундай учрашувларнинг маҳалларда ўтказилиши сабаб мактаб ўқувчилари ҳам бемалол ҳарбийлар билан суҳбатлашиб, ўзини қизиқтирган саволларга жавоб оляпти, эсдалик учун суратга тушмоқда. Ана шу суҳбатларда улар ҳарбийларнинг бегона эмас, акиси ёки амакиси каби меҳрибон, очикқўнгил инсон эканидан мамнун бўлиши табиий.

Бу жуда оддий ҳолат бўлиб кўриниши мумкин. Лекин айнан шундай учрашув, суҳбатлар ёшлар қалбига ҳарбийлар, армиямиз салоҳиятига нисбатан фаҳр туйғусини уйғотаётгани айни ҳақиқат. Бундан ташқари, ёшларнинг фуқаролик позициясини мустаҳкамлаш мақсадида медиа маконда

ҳам ҳарбий-ватанпарварлик руҳидаги ишлар олиб бориляпти.

Юртимизда Куролли Кучларимизни замонавий қурол-яроғ ва техника билан таъминлаш, уларнинг жанговар ва маънавий салоҳиятини оширишга қаратилган ислохотлар муттасил амалга оширилмоқда. Бундай ўзгаришлар, албатта, қувонарли натижаларга, халқаро даражадаги эътирофларга сабаб бўлаётганидан фахрланамиз!

Лекин бир жиҳатни унутмаслик лозимки, тинчликни сақлаш фақат



ҳарбийларнинг иши эмас. Юрт ҳимояси ҳар бир Ўзбекистон фуқаросининг муқаддас инсоний бурчидир. Халқимиз ардоғидаги шахсларнинг ана шундай инсоний бурчимиз ва унинг шаклланиши, миллий армиямизнинг шарафли йўли ҳақидаги фикр-мулоҳазалари сизларни бефарқ қолдирмайди деб умид қиламиз.

Тахририят

4-5-бетларга қаранг



Муносабат

ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ: МАБЛАҒЛАР МАҚСАДЛИ ЙЎНАЛТИРИЛАДИ



Кобил ТУРСУНОВ, Олий Мажлис Сенатининг Бюджет ва иқтисодий масалалар қўмитаси раиси ўринбосари

“Ўзбекистон — 2030” стратегиясига мувофиқ, макроиқтисодий ва фискал барқарорлиқни таъминлаш, шунингдек, давлат қарзи ошишининг олдини олиш мақсадида қонун билан консолидациялашган бюджет тақчиллиги ялпи ички маҳсулотга нисбатан 3 фоиз миқдориди белгиланди.

Қонунда харажатлар мақсадлилиги ва самарадорлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилган. Бюджет интизоми таъминлаш ҳамда бюджет тақчиллиги чекланган миқдорининг ошди кетишига олиб келиши мумкин бўлган давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари ҳисобидан қўшимча харажатлар фақат қўшимча даромад манбаи мавжуд бўлганда ёки бошқа харажатларни қўқартириши ҳисобига амалга оширилиши назарда тутилган.

2025 йил учун давлат кафолати остида ташқи қарзларни жалб қилиш бўйича йиллик

Ўтган йилнинг 24 декабридан бошлаб “2025 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги қонун кучга кирди. Мазкур қонун Президентимизнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари йўғилишларида парламент ва ижро ҳокимияти вакиллари олдида қўйган ҳамда амалга оширилаётган ислохотлар давомийлигини таъминлашга қаратилган устувор вазифалар ижросига қаратилгани билан муҳим ҳисобланади.

имзоланадиган янги битимларнинг чекланган ҳажми 5,5 миллиард доллар, шундан давлат бюджетини қўллаб-қувватлаш, шу жумладан, бюджет тақчиллигини молиялаштириш учун 3 миллиард доллар, инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш учун 2,5 миллиард доллар миқдориди белгиланди.

Давлат қарзи портфелини диверсификация қилиш ҳамда валюта хатарларини камайитириш мақсадида 2025 йил учун Ўзбекистон Республикаси номидан чиқариладиган давлат қимматли қоғозларининг чекланган соф ҳажми 30 триллион сўм миқдориди бўлиши қайд этилди.

Давлат томонидан қабул қилинадиган мажбуриятлар (сотиб олиш ёки тўлаб бериш) ва тасдиқ хатлари берилиши талаб қилинадиган барча давлат-хусусий шериклик тамойиллари асосидаги имзоланадиган янги лойиҳалар қўй-матининг юқори чегараси эса 6,5 миллиард долларни ташкил этади.

Ўзбекистон Республикаси консолидациялашган бюджетининг 2025 йилги даромадлари 431 триллион сўм ва харажатлари 480,5 триллион сўм, тақчиллиги 49,5 триллион сўмга прогноз қилинмоқда.

Ушбу мақсадларга эришиш борасида бюджет барқарорлигини таъминлашга солиқ ва бюджет сисъатининг ўрта муддатга мўлжалланган асосий йўналишлари сифатида қўйиладиган кўрсаткичлар:

— “яширин” иқтисодийни қисқартириш орқали даромадлар базасини кенгайтириш;

— барча тadbиркорлар учун тенг имкониятлар яратиш ҳамда солиқ тизимини рақамлаштириш ва соддалаштириш;

— солиқ, божхона ва бюджет сисъатини бошқичма-бошқич Жаҳон савдо ташкилотининг талабларига уйғунлаштириш;

— ўрта муддатда асосий солиқ ставкаларини ўзгартирмасдан сақлаб қолиш;

— бюджетни шакллантиришда “натигага йўналтирилган бюджет” тизимини бошқичма-бошқич тўлақонли жорий этиш;

— инсон капиталига харажатларнинг устуворлигини, ижтимоий ҳимояга ажратилаётган маблағларнинг манзиллигини кучайтириш ва самарадорлигини таъминлаш;

— бюджет очиклигини таъминлаш ҳамда бюджетни шакллантиришда фуқаролар иштирокини янада ошириш;

Президентимиз саъй-ҳаракати ва қўллаб-қувватлови билан мамлакатимизда Барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш бўйича дадил қадамлар қўйилмоқда. Парламентлараро алоқалар кучайиб, минтақа ва глобал миқёсдаги тadbирлар, форумлар ўтказилмоқда, муҳим ташаббуслар илгари сурилмоқда.

— давлат бюджетиди Миллий барқарор ривожланиш мақсадлари бажарилишига қаратилган тadbирларни акс эттириш, шунингдек, “яшил бюджетлаштириш” тамойилларини бошқичма-бошқич татбиқ этиш белгилаб олинган.

2025 йилги давлат бюджети даромадлари 308,5 триллион сўм ёки янги ички маҳсулотга нисбатан 18,9 фоиз миқдориди, давлат мақсадли жамғармаларининг даромадлари 66,4 триллион сўм ҳамда Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг даромадлари 22,2 триллион сўм прогноз қилиниб, уларнинг харажатлари тегишлича 62,8



харажатлар 84 триллион сўмни, солиқни сақлаш соҳасига эса 41,3 триллион сўмни ёки бюджет харажатларининг 36,4 фоизини ташкил этади. Шу каби солиқни сақлаш, маданият, спорт соҳаларига ҳам ажратилаётган маблағлар салмоғи ошапти.

“Камбағалликдан фаровонлик сари” дастури доирасида 15 та туман ва шаҳарни комплекс ривожлантириш дастурларига 1 триллион сўм, хуудларни ривожлантиришда муҳим “драйвер” лойиҳалар учун зарур инфратузилмани яратиш мақсадларига 800 миллиард сўм, оғир аҳволдаги 1000 та маҳалла инфратузилмасини яхшилашга 1,4 триллион сўм ажратилади. Бу эса миллионлаб одамлар ишли бўлиши, демакки, муносиб ҳаёт кечириши учун қулай шарт-шароит яратилишини аниқлатади.

Президентимиз саъй-ҳаракати ва қўллаб-қувватлови билан мамлакатимизда Барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш бўйича дадил қадамлар қўйилмоқда. Парламентлараро алоқалар кучайиб, минтақа ва глобал

миқёсдаги тadbирлар, форумлар ўтказилмоқда, муҳим ташаббуслар илгари сурилмоқда.

Жорий йилги давлат бюджетини шакллантиришда Барқарор ривожланиш мақсадларига, шу жумладан, “яшил” лойиҳаларни қўллаб-қувватлашга, бунда, айниқса, таълим, соғлиқни сақлаш, энергетика, тоза сув, санитария ҳамда йўл инфратузилмасини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани қувонarli. Бу йил Барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсадларни амалга ошириш учун 246,5 триллион сўм йўналтирилгани шундан далолат беради. Бинобарин, барқарор ривожланишга доир миллий мақсадларни амалга ошириш, аввало, молиявий таъминланишга боғлиқ.

Қонунда туман ва шаҳарлар бюджетлари даромадлар базасини мустаҳкамлаш, улар мустақиллигини янада ошириш кўзда тутилган. Хусусан, туман ва шаҳарлар бюджетларига тўланадиган амалдаги солиқларга қўшимча равишда айланмадан олиннадиган солиқ, юридик шахсларнинг мол-мулк ва ер солиғи (йирик солиқ тўловчилар томонидан тўланадиган солиқлар бундан мустасно), жисмоний шахслардан олиннадиган даромад солиғи тушумларининг камиди 50 фоизи (бу ерда ҳам йирик солиқ тўловчилар томонидан тўланадиган солиқлар бундан мустасно), ҳамда давлат активларини ижарага беришдан тушумлар киритилди.

Бундан ташқари, қонун билан 2025 йилдан бошлаб Иқтисодий ва молия вазирлиги Давлат бюджетидан ажратилган гендерга доир маблағлар тўғрисидаги маълумотларни ҳар чорак якунлари бўйича Олий Мажлис палаталарига тақдим этиши бўйича янги норма киритилди.

Қонуннинг мақсади республика бюджетидан ажратилган ташаббуслар, бюджет жараёни ва бюджет даражалари ўртасидаги муносабатларни тартибга солишдир. Зотан, жаҳонда рўй бераётган глобал таҳдидлар иқтисодий таъминотни таъминлаш ва юқори ноаниқликнинг сақланиб қолаётган бугунги шароитида миллий иқтисодий тизимни 6 фоиздан кам бўлмаган даражада ўстириш учун унинг аҳамияти катта.

Инсон қадри учун



Ботирали ШОДИЕВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Инновацион ривожланиш ва ахборот технологиялари масалалари қўмитаси аъзоси

Бошланиши 1-бетда

2024 йил мамлакатимиз тарихида муҳим саналари билан алоҳида ўрин тутди. Хусусан, ўтган йилда навбатдаги парламент сайлови янгилашган Конституциямизга мувофиқ ўтказилган, шаклан ва моҳиятдан тамоман янги мазмун касб этган илк сайлов сифатида ёдидида қолди. Аралаш сайлов тизими асосида шакллантирилган янги парламент палаталари бутунги кунда, юқорида айтиб ўтганимиздек, шиддатли замонага муносиб тарзда ўз фаолиятини жадал амалга оширишга киришди. Айниқса, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатнинг сайловдан кейинги биринчи, депутатларнинг Бош вазир лавозимига номзодни кўриб чиқиш ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг янги ва узоқ истиқболга мўлжалланган ҳаракатлар дастури муҳокамасига бағишланган мажлисларида давлатимиз раҳбари илгари сурган устувор вазифалар, халқчил тақлиф, ташаббуслар парламентнинг ҳар бир аъзоси фаолиятида дастуруламал бўлмоқда, десак янгилимаймиз.

Кўйи палатанинг биринчи йиғилишида Президентимиз 37 миллиондан ортиқ аҳолига эга Ўзбекистондек катта давлат парламенти аъзоси бўлиш улкан шараф эканини таъкидлаган эди. Дарҳақиқат, сайловчилар ишончини қозониб, халқ вакиллари сифидан ўрин олиш чинакам шараф. Унга муносиб бўлмоқ осон эмаслигини, халқпарварлик, жонкуярлик, уйғоқ виждон билан яшаш эканини юракдан ўтказиб, ҳис қилиб турибмиз. Бугун депутатга конституциявий тамойиллар доирасида мамлакат истиқболига,

халқ манфаатларига хизмат қиладиган қонунларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш, уларнинг ижроси устидан назорат-таҳлил ва жамоатчилик назорати тadbирларида иштирок этуви шaxс сифатида қараш камлик қиладди. У давлатимиз раҳбари таърифи эгандек, халқ хизматчиси, барчага ўрнак бўладиган, тобора мураккаб тус олаётган халқаро майдонда Ўзбекистоннинг ўрни ва мавқени мустаҳкамлашда депутатларга таяниши мутлақ ҳақиқат.

Аёнки, депутатларнинг эл-юрт манфаатларини ҳимоя қилиши, аввало, уларнинг қонун ижодкорлиги фаолиятида намоён бўлади. Тўғридан тўғри ишлайдиган, аниқ ижро механизмларига эга, жамиятда мавжуд ўткир муаммолар ечимига, халқимизнинг оғирини енгили қилишга қаратилган қонунларнинг улушини кўпайтириш эса бугун долзарб вазифалардан бўлиб қолмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг биз, депутатларга қарата “Ҳар бир масалага ёндашувда, қонунлар ишлаб чиқишда узоқ-янги туманлардаги инсонларни кўз олдинда тутиб, фақат бугунни эмас, келажак авлодларни ҳам ўйлаб иш тусангиз, элимиз сиздан рози бўлади”, дейилади мазкур ҳисоботида.

дея ургу бериб ўтгани бежиз эмас. Мамлакатимиз иқтисодий, ижтимоий ҳаётида, маънавий-маърифий соҳаларда қонуний ечимини кутаётган масалалар хали етарли.

Ҳозирги кунда таъсир ва оқибатлари ҳеч бир давлат ва жамиятни четлаб ўтмаётган, қатор ижтимоий ҳавфлари ҳаммаимизнинг турмуш тарзимизга бевосита ёки билвосита дахл қилаётган иқлим ўзгаришларини олиб кўрайлик.

Айни чоғда дунё бўйлаб глобал иқлим ўзгаришларининг тобора ортаётган оқибатларини юмшатиш учун айнан ижтимоий сисъатга устувор эътибор қаратаётган давлатлар сафи кенгайиб бормоқда. БМТ Ижтимоий ривожланиш комиссияси томонидан ўтган йилнинг сентябрь ойида эълон қилинган “2024-2026 йилларда жаҳондаги ижтимоий ҳимоя” ҳисоботида келтирилишича, сайёрамиздаги глобал иссиқ, табиатнинг ифлосланиши, биохимия-хилликнинг йўқолиб бориши билан боғлиқ инқирозлар кўплаб давлатларнинг ижтимоий сисъатига сезиларли таъсир кўрсатмоқда. “Ижтимоий ҳимоя иқлим ўзгаришларига мослашишнинг асоси ҳисобланади, чунки у қашшоқликка қарши курашиш, ижтимоий инклюзивликни рағбатлантириш ва тенгсизликни камайитириш орқали инсонлар ҳаётини енгилаштириди”, дейилади мазкур ҳисоботида.



Мутахассислар ҳозирда иқлим ўзгаришлари келтириб чиқараётган бешта ижтимоий ҳавфга диққат қаратмоқда. Булар ишсизлик ёки нотўлиқ бандликнинг ортиши, жамиятда меҳнат унвдорлигининг пасайиши, меҳнат хавфсизлигини кафолатлашнинг қийинлашиб бориши, халқ саломатлиги ва миллат генофондида, шунингдек, озиқ-овқат хавфсизлигига таҳдидларни қамраб олади.

Кўриниб турибдики, ушбу ижтимоий ҳавфлардан фуқароларни ҳимоялаш ҳар бир давлат учун, таъбир жоиз бўлса, ҳаёт-мамонт масаласи бўлиб қолмоқда.

Эътиборлиси, мана шундай тахликали даврга ҳар қанча мушкуллик туғдирмасин, мамлакатимизда кучли ижтимоий сисъат саамарали амалга оширилаётгани бугун жаҳон минбарларида бирдек эътироф этилмоқда. Гап шу ҳақида борар экан, янгилашган Конституциямизда Ўзбекистоннинг ижтимоий давлат сифатидаги мақоми мустаҳкамлаш, давлатнинг бу соҳадаги мажбуриятлари уч баробарга кўпайтирилгани ҳам айтиб ўтиш ўринли. Мазкур конституциявий мажбуриятлардан келиб чиққан ҳолда мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий сисъат аҳоли турмуш даражасини юксалтириш, даромадлар ва яшаш тарзида кескин тафовулар, тенгсизликнинг олдини олиш, ҳар бир инсон давлатнинг эътибори ва ғамхўрлигидан четда қолмаслигини кафолатлаш мақсадларини изчил рўбга чикармоқда. Жумладан, республикамизда барқарор ва юқори

иқтисодий ўсиш суръатлари таъминланиши камбағаллик даражасини 2019 йилдаги 23 фоиздан 2023 йилда 11 фоизга қисқартиришга имкон яратди. 2025 йил якуни билан камбағалликни 6 фоизгача камайитириш устувор вазифа сифатида белгиланди.

Камбағалликка тушиб қолиш ҳавфи мавжуд қатламлар — ёшлар, аёллар, ногиронлиги бўлган шахсларнинг биринчи галда рақобатли меҳнат бозорига ўз ўрнини топишига кўмаклашиш, бунинг учун уларни талабгир касбларга ўқитиш борасидаги ижтимоий дастурлар ҳам ўз самарасини бера бошлади. Меҳнатга лаёқатли аҳоли ўртасида ишсизлик даражаси республикамизда 2024 йилнинг бошига нисбатан 6,8 фоиздан 5,8 фоизга камайганини бунга далил қилиб келтиришимиз мумкин.

Ёки глобал иқлим ўзгаришлари жаҳон миқёсида ўлим ва касалланиш кўрсаткичларида, респиратор ва юрак-қон томир касалликлари, руҳий саломатлик билан боғлиқ муаммолар, салбий репродуктив ва оналар саломатлиги, озиқ-овқат, сув билан юқадиغان, трансмиссив ва бошқа юқумли хасталиқларнинг кўпайишида асосий сабаблар сирасига кирмоқда. Бундай вазиятда Ўзбекистон халқпарвар

давлат сифатида ўз фуқароларининг саломатлигини ҳимоя қилиш учун бор куч-имкониятини сафарбар этаётгани яна бир ҳаётий ҳақиқатдир.

Кейинги етти йилда айнан соғлиқни сақлаш тизимига давлат бюджетидан ажратилаётган маблағлар 6 қарра оширилгани, ташхис қўйиш ва даволашга доир 400 дан ортиқ юқори технологик амалиётлар биргина пойтахтимизда эмас, балки вилоят ва туманларда ҳам жорий этилгани, сифатли табиий хизматни халққа тобора яқинлаштириш учун бирламчи табиий муассасалар энг илгор ускуна ва лаборатория жиҳозлари билан таъминланаётгани сўзимизни тасдиқлайди.

Шубҳасиз, “инсон — жамият — давлат” тамойили негизда амалга оширилаётган ижтимоий ислохотларнинг 2025 йилда қамрови ва натижадорлиги янада ортади. Чунки бу йил Атроф-муҳитни асраш ва “яшил” иқтисодиёт йили сифатида миллий солномамизда белгиланадиган бўлди. Ўзбекистон бу йилда инсон ва табиат мувозанатига асосланган тизимни яратишни ўз олдига бош мақсад қилиб қўйди. Айни йилда амалиётга йўналтириладиган давлат дастурлари, ижтимоий, иқтисодий-инвестициявий лойиҳалар, қўйингки, барча жаҳондаги ислохотлар ана шу мақсад асосига қурилади. Бу халқ вакилларининг қонун ижодкорлиги фаолиятида ҳам ўз ифодасини топмоғи тайин.

Шу кунларда “Ўзбекистон — 2030” стратегиясини “Атроф-муҳитни асраш ва “яшил” иқтисодиёт йили”га амалга ошириш бўйича давлат дастури ва уни тасдиқлаш тўғрисида”ги Президент фармони лойиҳаси ишлаб чиқибли, кенг жамоатчилик муҳокамаси учун эълон қилинди. Давлат дастури лойиҳасига 5 та, яъни атроф-муҳитни асраш ва “яшил” иқтисодиёт, ижтимоий-иқтисодий, давлат бошқаруви, суд-ҳуқуқ, хавфсизлик ва ташқи сисъат йўналишларида жорий йил учун амалий чора-тadbирлар, норма-тиқуқуқий ҳужжатлар рўйхати ва мақсадли кўрсаткичлар қамраб олинган. Кенг жамоатчилик ва экспертлик муҳокамалари учун тақдим қилинган бу лойиҳага ўз муносабатимиз, тақлифларимизни билдириш имконияти яратилгани ижтимоий-сисъий жараёнларда фуқаролар иштирокини фаоллаштиришга қаратилаётган эътиборнинг яна бир ибтотиридир.

Кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари интилаётган янги Ўзбекистон миллий тараққиётимизда янги даврга қадам қўймоқда. Мана шундай муҳим паллада парламентимиз учун ҳам, ҳукумат учун ҳам янгича ишлаш, халққа садоқат билан хизмат қилиш Президентимиз томонидан энг устувор вазифа сифатида белгиланди. Халқимизга садоқат билан хизмат қилиш бўйича ибратли аъёнлар шаклланадиган ва тарихга муҳрланадиган даврни яратиш эса мана шу вазифани қай даражада удаллашимизга чамбарчас боғлиқ.



Нуктаи назар

# СУНЪИЙ ИНТЕЛЛЕКТ

## ИНСОНИЯТ УЧУН ФОЙДАЛИМИ ЁКИ ХАТАРЛИ?



Исмоил САИФНАЗАРОВ, ТДИУ профессори, фалсафа фанлари доктори

### Бошланиши 1-бетда

Сунъий интеллектнинг салбий таъсир этувчи жиҳатлари ҳам йўқ эмас. Дейлик, этика масалалари, меҳнат бозорига таъсир, ахборот хавфсизлигига таҳдидлар ҳамда технологияларга қарамлик кучаяди. Бирок сунъий интеллект орқали банк-молия соҳасида фирбарликларнинг олдини олиш, фойдаланувчиларнинг тўлов қобилиятини баҳолаш, бозор тенденцияларини прогноз қилиш, солиқ ва божхона соҳаларида яширин иқтисодиёт улушини камайтириш, шубҳали божхона операцияларини прогнозлаш ва хавфлари бошқариш, соғлиқни сақлаш соҳасида касалликларни ташхислаш, даволаш усулларини белгилаш, тиббий таъсирларни таҳлил қилиш ва беморга оид маълумотларни бошқариш мумкин. Шунингдек, қишлоқ хўжалиги соҳасида ҳосилдорликни прогноз қилиш, қишлоқ хўжалиги ресурсларини бошқариш, экинлар, парранда, балқич ва чорва молларини етиштириш жараёнларини мониторинг қилиш, энергетика соҳасида энергия ресурсларини бошқариш, энергия ишлаб чиқариш ва тақсимлашни оптималлаштириш, қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланишни ривожлантириш ва уларга бўлган талабни олдиндан аниқлаш имконияти бор.

Давлатимиз раҳбарининг шу йил 14 октябрдаги “Сунъий интеллект технологияларини 2030 йилга қадар ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори эса ижтимоий соҳа ва иқтисодиёт тармоқларида сунъий интеллект технологияларини жорий қилиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, мамлакатимизнинг сунъий интеллект технологияларидан фойдаланувчи дунёнинг етакчи давлатлари қаторига киришига эришиш, шунингдек, “Рақамли Ўзбекистон — 2030” стратегиясида белгиланган мақсад ва вазифалар ижросини таъминлашга хизмат қилади. Зеро, қарорда сунъий интеллект асосида яратилган дастурий маҳсулотлар ва кўрсатилган хизматлар ҳақиқатини 1,5 миллиард АҚШ долларига, Япония интерактив давлат хизматлари порталида сунъий интеллект асосида кўрсатилган хизматлар улушини 10 фоизга, сунъий интеллект йўналишида фаолият юритувчи илмий лабораториялар сонини 10 га етказиш кўзда тутилган.

Қарор ҳужуматнинг сунъий интеллектга тайёрлик индексида Ўзбекистон Республикасининг биринчи 50 та ўриндаги давлатлар қаторига киришига эришиш мақсадларига йўл очади. Стратегияда белгиланган вазифаларни амалга ошириш орқали, биринчидан, сунъий интеллектга доир муносабатларни тартибга солувчи қонунчилик ҳужжатлари, халқаро ва маҳаллий стандартлар ҳамда уларни амалга ошириш механизмларини ўз ичига олган норматив-ҳуқуқий база шакллантиришга эришилади. Иккинчидан, маълумотларни қайта ишлаш ва сақлаш марказларида “булутли технологиялар” хизматларида маълумотлар яхлитлиги ва хавфсизлигини таъминлаш асослари яратилади. Учинчидан, сунъий интеллект технологиялари соҳасида институционал бошқарув шакллантирилади. Тўртинчидан, сунъий интеллект технологиялари бўйича этика қоидалари ишлаб чиқилади. Бешинчидан, ижтимоий соҳа ва иқтисодиёт тармоқларида сунъий интеллект технологиялари кенг жорий этилади. Корхона ва ташкилотларда иш жараёнларини автоматлаштириш орқали вақт ва ресурслардан самарали

фойдаланилади. Олтинчидан, олий таълим муассасаларида сунъий интеллект бўйича малакали мутахассислар тайёрланади ва ушбу йўналишдаги битирувчилар сони ошади. Шу нуктаи назардан айтиш мумкинки, сунъий интеллектнинг айрим муаммоларини деб ундан буткул воз кеча олмаймиз.

Хўш, сунъий интеллект инсоният учун қанчалик хавфли? Бу савол ҳозир жуда долзарб. Сунъий интеллектнинг ўзи одамларнинг ишини олиб қўймайди. Лекин сунъий интеллектдан унумли фойдалана билмайдиган бошқа одамлар тортиб олиши мумкин. Сунъий интеллектнинг айнан ўзидан кўриш эмас, балки уни яхшилаб ўрганиш керак. Унинг медиа соҳасига шиддат билан кириб келиши таъсир устида ишлаш, монтаж қилиш кабиларда ҳам қўл келяпти. Чет элда шу даражага чиқдики, телевидениеда бошловчиларнинг сунъий интеллект шакли яратилиб, дастурлар олиб боришмоқда. Яқинда Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигида ҳам ана шу таърибга синовдан муваффақиятли ўтди. Салбий жиҳатлар ҳамма нарсада бор. Дейлик, оддий пичоқдан ҳам ошхона анжоми, ҳам қурол сифатида фойдаланса бўлади. Сунъий интеллект ҳам нима мақсадда, кимнинг қўлида ишлатилишига қараб фойдали ёки зарарли бўлиши мумкин. Масалан, 2022 йил охирида — 2023 йил бошида кўпгина фейк суратлар тарқалди, бу орқали фейк хабарлар ҳам чиқди. Бир томондан, булар яхши кейс бўлди, чунки факт чекинг қилиш кераклиги, текшириш лозимлиги масаласи ўртага чиқди. Шунингдек, кино дубляжда машҳур актёрларнинг овозини сунъий интеллект орқали тиклаш мумкин. Сунъий интеллект жуда яхши ёрдамчи. Унинг ёрдамида роботлар операциялар ўтказяпти, касалларга ташхис қўйяпти. Илгари 3D мультфильмлар ишлаш учун бир неча ойлар, йиллар вақт кетган бўлса, ҳозир унинг ёрдамида бу жараён анча тезлашди. Аниқлигида сунъий интеллект жуда ривожланиб бормоқда. Таълим соҳасида ҳам ўрни катта. Ҳар қандай фанни сунъий интеллект ёрдамида ўрганиш мумкин, баҳолаб ҳам боради, қандай хато қилаётганини ҳам кўрсатади. Агар замон билан ҳамнафас юрмоқчи бўлсак, сунъий интеллектни ўрганишимиз



қўлланилмоқда. Сунъий интеллект технологияларини қишлоқ хўжалигида ва у билан туташ соҳаларда қўллаш учун алоҳида тўсиқлар мавжуд эмас. Ушбу технология ишлаб чиқариш ва бошқариш жараёнларини автоматлаштириш, шунингдек, катта ҳажмга эга бўлмаган маълумотларда яширин боғлиқликларни аниқлаш имконини беради.

Ижтимоий ва бошқа соҳаларга сунъий интеллектни жорий қилишда шахсга доир маълумотлар дахлсизлиги, уларни сақлаш ва бошқариш муҳим аҳамиятга эга. Чунки сунъий интеллектдан фойдаланишнинг ахлоқий жиҳатлари, айниқса, АҚШ, Буюк Британия, Европа Иттифоқига аъзо давлатлар, етакчи халқаро ташкилотлар диққат марказида бўлиб, инсон ҳуқуқлари ва шахсий маълумотлар, сиёсий ва бузғунчи мақсадларда фойдаланиш каби масалалардаги

ёзиб бериши мумкин. Мазкур бот ҳаттоки шеър ва иншоолар ҳам ёза олади. Шу бос, кенг жамоатчиликда бу технология копияртерлар, журналистлар, мактаб ўқитувчилари ва бошқа соҳа вакиллари ишсиз қолдириши мумкин, деган кўрқув пайдо бўлган. Айниқса, ChatGPTнинг иншоолар “ёзиш” қобилиятидан ўқитувчилар кўпроқ ташвишга тушмоқда. Мисол учун, АҚШда талабалар алақачон бот томонидан “ёзилган” иншооларни ўз ижод маҳсули сифатида тақдим қилишни бошлаган. Сунъий интеллектнинг энг катта муаммоларидан бири ҳам айнан шу — том маънодаги ижодкорлик иқтидори мавжуд эмаслиги бўлиб қолмоқда. Ҳозир ҳуқуматлар, йирик компания ва ташкилотларнинг деярли барчаси сунъий интеллектни ривожлантириш соҳасидаги стратегиялар бўйича ишламоқда, аммо ҳеч ким, ҳатто сунъий интеллектни ишлаб чиқарувчиларнинг ўзлари ҳам бу ақл бовар қилмас технология ютуғи охир-оқибатда нималарга олиб келиши эҳтимоли ҳақида аниқ тушунчага эга эмас. Шунинг учун мавжуд вазиятдан келиб чиқиб, сунъий интеллект ривожининг “тўб мазмун-моҳияти ва қамровини имкон қадар чуқур аниқлаш ҳолда” иш тутган маъқул. Сунъий интеллект истиқболи номаълумлигидан бу қадар хавотирланганининг сабаби оддий — сунъий интеллектга асосланган машиналар инсонларга зиён-заҳмат етказиши мумкин. Унинг кўп фойдаси тегиши аён, лекин машиналарнинг инсонларга ва бир-бирига ҳам улкан қўлдан зарар етказиши қодирлигидан кўз юмиб бўлмайди. Террорчилик, жиноятчилик, киберҳужумлар — мабодо сунъий интеллектдан шу ёвуз мақсадлар йўлида фойдаланилса, бу глобал хавфсизлик учун ўта жиддий оқибатларга олиб келади. Сунъий интеллектнинг носоз тизимлари “таъсирларга сабаб бўлаётган ҳам бир йирик муаммо”. У эзгуликка ҳам, ёмонликка ҳам хизмат қилишига қодир бўлган жуда улкан салоҳиятга эга. Ихтирочиларнинг ўзлари ҳам олдинда инсоният сунъий интеллект билан боғлиқ яндай йирик, халқоқли ва қўлланмаган таҳдидларга дучор бўлиши мумкин деб бонг урмоқда.

Агар биз ана шу таҳдидларни бартараф этиш чораларини кўрмас эканмиз, ҳозирги ва келгуси авлодлар олдига ўз бурчимизни адо этмаган бўламиз. Сунъий интеллект ва АКТни жорий қилишда шахсга доир маълумотлар ва шахсий ҳаётга оид ҳуқуқлар ҳамда умуман илмий ҳавфсизликни таъминлаш йўлида фойдаланишда мувозанатни сақлаш муҳим аҳамиятга эга. Чунки ёлгон ахборот яратувчилар ҳамма бўлган. Техноложиялар имкониятларидан, табиийки, улар ҳам фойдаланади. Ҳақиқийдан ажратиб бўлмас ёки шунга яқин ёлгон маълумотлар яратилади. Масалан, яқинда ижтимоий тармоқларда таниқли шахслар, тадбиркорларнинг юзлари ва овозларига жавоб қайтариши, дастурчилар унумли ишлаш, уларнинг қиёфасида одамлардан алдов йўли билан пул ундириш ҳолатлари ҳақида хабарлар берилди. Яъни “биз сизга кўп даромад қилиш йўлиларини ўргатамиз, бунинг учун шу хаволага ўтинг ва мен сизга 25 минг сўм эвазига қандай бойинганини ўргатаман” мазмундаги видеоларни кўраётимиз. Улар Facebook ва Instagram тармоғида кўп тарқалди. Афсуски, билмагани ва маълумотларни текшириш имкони бўлмагани учун алданиб, катта пулга тушиб қолганлар бўлди. Ҳозир биз шунақа замонда яшаётимизки, ҳар бир кўрган нарсанимиз, албатта, текширишимиз керак. Сунъий интеллект қуролга айлантирилиши мумкин, масалан, дори сифатидаги воситалар кимёвий қурол яратиш учун қўлланиши эҳтимолидан холи эмас. Бу технология орқали тарқатилган дезинформация

жамиятдаги барқарорликни йўққа чиқариши ва “жамоавий қарор қабул қилишлар самардорлигини тушириши” мумкин. Сунъий интеллект қудрати борган сари бир ҳовуч одамлар қўлида жамлангани турли режимидаги оммавий қўзғув ва зулмор сензура ўрнатилишига ёрдам бериши ҳам ҳеч гап эмас.



Жеффри Хинтон сунъий ақл отаси деб эътироф қилинган. У Google тармоғидаги ўз лавозимини тарқ этди ва сунъий ақл соҳасида тўбора ўсиб бораётган хавфлардан оголтангиди. Олим ишидан бўшаётганини New York Times газетасида ёзган қила туриб, ўз тадқиқотидан афсусда эканини ёзди. Унинг айтишича, сунъий ақл чатботларининг баъзи хавфлари жуда кўрчинчилик. “Ҳозир, афтидан, улар биздан ақлироқ эмас. Лекин ўйлаётганимиз, яқин орада бизни орда қолдиради”. Доктор Хинтоннинг нейрон тармоқлари ва чуқур ўрганиш соҳаларидаги етакчи тадқиқотлари ChatGPT каби сунъий ақл тизимлари яратилишига замин яратган. Сунъий ақлда нейрон тармоқлари инсон миёсига ўхшаш тизим бўлиб, худди мия каби ахборотни ўрганади ва “ҳазм” қилади.

Чатботлар яқин орада ўзидан инсон миёсидан кўпроқ маълумотни сақлай бошлайди. Мантиқий фикр юритишга келганда улар инсонга тенглашмади, лекин оддий мантиқини қўлай олмади. Жараён бу каби тез суръатда ривожланиб бораётганини ҳисобга олсак, бундан хавотирга тушишимиз керак. Албатта, бу жуда долзарб муаммо. Кимдандир яқин инсоннинг овозини сохталаштириб пул ундириш, сохта сурат ва видео ёрдамида таъмагирлик қилиш, ижтимоий фикрнинг манипуляция қилиш каби ҳолатлар барчани хавотирга солиши табиий. Бу муаммога технология, ҳуқуқий ва бошқа турли ёндашувлар билан курашиш керак. Ҳуқуқий ёндашувга мисол сифатида 2024 йил март ойида Европарламент сунъий интеллект тўғрисидаги қонун (AI Act) қабул қилганини келтириш мумкин. Унга кўра, сунъий интеллект ишлаб чиқарувчи ва интеграторларига фойдаланувчиларни чатботлар, “deepfake” лар каби сунъий интеллектдан фойдаланишга йўл қўйиб уларга алоқадан бўлиши ҳақида хабардор қилиш мажбурияти юклатилди.

Сунъий интеллектдан ёвуз ва ахлоққа зид хатти-ҳаракатларда фойдаланишга йўл қўйиб уларга алоқадан бўлиши ҳақида хабардор қилиш мажбурияти юклатилди.

Сунъий интеллектдан ёвуз ва ахлоққа зид хатти-ҳаракатларда фойдаланишга йўл қўйиб уларга алоқадан бўлиши ҳақида хабардор қилиш мажбурияти юклатилди.

янглишмаган бўламиз. Тараққиётнинг тамал тоши ҳам, мамлакатни қудратли, миллатни буюк қиладиган куч ҳам илм-фан, таълим ва тарбиядир. Шунинг учун Ўзбекистонда таълим тизимини комплекс ривожлантириш, малакали кадрлар тайёрлаш мақсадларига катта куч ва маблағларни аямаслик керак ва шундай бўлмоқда ҳам. Бугунги модернизация жараёнлари, ислоҳот ва ўзгаришлар натижадорлиги мактаб таълимига, янги авлод кадрларини етиштириш масаласига бориб тақаллаётгани бор гап. Шу сабабдан таълим соҳасига эътибор кучайди. Зеро, мамлакат келажаги, барча соҳалар ва лойиҳалар муваффақияти билими, маънавиятли инсонларга боғлиқ. Шу маънода, барча юмушлардан озод этилган ўқитувчи олдига фақат ёш авлоднинг етув ва қомил инсон қилиб тарбиялаш вазифаси қўйилган.

Архимед “Ернинг таянч нуқтасини топиб бериш, ағдариб юбораман”, деб айтган экан. **Биз ҳам жамият ривожининг таянч нуқтасини топдик, бу таълим тизимидир!**

Илмий-тадқиқот институтлари, институтлар хузурида лабораторияларини ташкил этиш сунъий интеллект ёвуз мақсадларда ишлатилишига йўл қўймайлик учун йўлдор. Мамлакатимизда бир гуруҳ олимлар томонидан Сунъий интеллект муаммоларини ижтимоий-гуманитар таҳлил қилиш халқаро фанларо институтини ташкил этиш гояси илгари сурилди. Янги илмий ўқув бўлими-си лаборатория/коллективум/кафедр/малака ошириш институтидан иборат бўлади. Янги ўқув илмий муассасаси Президентимизнинг “Сунъий интеллект технологияларини 2030 йилга қадар ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги қароридан белгиланган вазифаларни бевосита ва билвосита амалга ошириш имконини беради. Ўзбекистонда собиқ совет маконидаги биринчи ва ноёб илмий тадқиқот ва ўқув бўлими-си бўлиши қўлланмаган институтининг яна бир асосий мақсади юртимиз, МДҲ ва ШХТ мамлакатларида сунъий интеллект моделлари ва воситаларини таълим соҳасига жорий этиш, қўллаш муаммолари ва аудитини ўрганиш масалалари билан шугулланиш ҳисобланади. Зарурат шуки, сунъий интеллект воситалари жамиятнинг кундалик ҳаётига



керак. Ўзи шундоқ ҳам кеч қоляғимиз, ҳар кун бу соҳада янгилик бўляпти. Урганмасдан илож йўқ, ўрганиш зарур. Аёнки, аҳоли сони ўсиши ва худудлар ер ресурслари чегаралангани шартинда истеъмол учун тайёр маҳсулотлар етишмаслиги, унинг юқори сифатини таъминлаш муаммоси яндаа кучаймоқда. Уни ҳал қилишда сунъий интеллектнинг замонавий технологиялари муваффақиятли ёрдам бериши мумкин. Ҳозирги вақтда ушбу восита иқтисодиётнинг барча соҳаларида кенг

хавфи долзарб ҳисобланади. Айрим давлатларда сунъий интеллект ва АКТдан фуқаролар шахсий ҳуқуқ ва эркинликларини чеклаш ва сиёсий мақсадларда фойдаланилмоқда, деган айбловлар янграмоқда. Шунинг учун сунъий интеллектдан фойдаланишнинг ҳуқуқий асосларини яратишда бу масалаларга алоҳида эътибор қаратилиши мақсадга мувофиқ.

Хўш, сунъий интеллектнинг глобал хавфсизликка қанчалик таъсири бор? Ушбу масала 2023 йил 18 июль куни БМТ Хавфсизлик кенгашида муҳокама қилинди. Унда БМТ Бош қотиби халқаро ҳамжамиятни ушбу “ноодатий технология” ривожини устидан назорат ўрнатиб бўйича шояшлиқ чоралар кўришига чақирди. Гап шундаки, сунъий интеллект технологияларининг барча шакл ва турлари мутлақо бекиёс даражадаги ўта тезкорликда ва жуда кенг қўламда тарқалмоқда.

Сунъий интеллект ботлари турли саволларга жавоб қайтариши, дастурчилар учун код ёзишга ёрдамлашиши, талабалар учун курс ишларини



**УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ ЎҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!**





# ҲАР БИРИМИЗ АМАЛДА

## МАФТУН БЎЛМАЙ ИЛОЖ ЙЎҚ

“Гумон йўқтурки, солгайлар фалакка ошён ёшлар”

Сидқий Хондайлиқий



Иброҳим ҒАФУРОВ, Ўзбекистон Қаҳрамони

Хозир инсоният мулоқотларида энг кўп ва энг қизғин муҳокама қилинаётган мавзулардан бири бу — сунъий ақл-идрок. Барча одам олдига унинг уфқлари тобора шиддат билан тез очила бормоқда. Унинг инсониятга нажоткор бўлиши, келажагини енгиллаштириши, хозир ақл бовар қилмайдиган қулайликлар яратиши имконияти катта, ҳатто чексиз. У бепойён кинот сари йўл соломқчи. Марс-Миррих сайёрасини одамзод учун ўзлаштирмоқчи, яшаш қўналгаси яратмоқчи. Миррих маконларидаги беҳисоб музостхоналари эритиб, океанлар яратиш, Миррих иқлимини одамийлаштирмоқчи. Миррихзодларни шу поёнсиз океанларда балик тутиб, тирикчиликни йўлга қўйишга жалб этмоқчи. Гўзал яхталар қуриб, мусобақалар уюштирмоқчи. Ер юзи тарихида рўй берган барча камчилик-нуқсондан инсониятни тамомилла халос этиш, янги инсоний марсий дунё тuzмоқчи... Инсониятнинг янги ҳаёт плацдармларини бунёд этмоқчи. Сунъий ақл-идрокнинг, олимларнинг прогнози қараганда, бунга кучи, иқтидор, кашфиётпарварлиги, салоҳияти етади. Шу пайтгача АҚШнинг Кларкларнинг барча фантазияси реалликка айланади ва амалга ошади.

Ўзбекистон ёшлари ҳам тобора кенг миқёс касб этиб янраётган бу ажойиб-ғаройиб планетар илмий тахминларга қизиқиб қарамоқда. Университетларда қатор-қатор иқтидорли ёшларнинг физика, кимё, биология, математика, IT соҳаларидаги илмий фантазияси ишонса бўладиган даражада реаллашяпти. Уларнинг салоҳияти тақдими етаётган нажоткор миқёсларга ишонгани келди. Ишонши учун хозир барча асос етарли. (Кези келганда, гап орасига қистириб ўтгим келяпти: мен “интеллект” деган жуда сирли тушунчалар ўзбек тилида “салоҳият” деб ифодаланган тақдир қилмоқчиман. Чунки, “сунъий салоҳият” деб. Бу каби янги тушунчалар тилимизнинг қадим океанига тушса, балки у океанга табиий мослашиб кетар ва оламшумул ҳодисани аниқ ифодалашга хизмат қилар. Биз учун хозир аниқ илмий тушунчалар банкни яратиш жуда муҳим. Зеро, тилимиз яхшим-ёмоними, астейдиллик-йўқми, муқаррар тарзда илмийлаштиришга майли орқага қайтмайдиган ва доим олга борадиган бир вазиятга кирган лоқал шу кунларда кўнчилигини оғзида юрган “мотивация”, “катта эҳтимоллик билан” деганга ўхшаш тушунчага айланаётган сўзларга қарайлик. Хозир улар оғзига нутқда ҳам, газета-журналлар тилида ҳам оз эмас, юзлаб учрайди. Аммо шу тўлқинда ёмон эмас-ку, “интеллект” мабодо “салоҳият” бўлса еки “салоҳ” деб олинса!)

Миррихнинг одамзод ўзлаштириши билан боғлиқ беҳад кенг миқёсдаги масалаларни “Бизга нимага керак?” деб қалта ўйламай, уларни асло қўздан, ҳаёдан қочирмаслик, ўз ҳиссамизни қўшайлик деб илмий изланишлар

олиб борсак, замон ва унинг чақириқлариға мос-мутаносиб қадам ташлаган бўламиз. Жуда оддий, аммо ниҳоятда долзарб масалаларни айтмай: бизга сув тежаш, тозалаш, электр, газ, нефть — энергия ташувчиларни, конларимиз захираларини кўз қорачиғидек асраш, келажақ асрларга етказиш, доимий тарзда иқтисод қилишда сунъий салоҳиятнинг буюк дастурлари бизга ёрдамга келди. У жуда аниқ ишлари билан инсониятни турли коррупциялардан бутунлай халос этади. Еки озик-овқат соҳаларида энг юксак тозалик, мусаффолик, озик-овқатларнинг энг юқори даражадаги озувиллиги, фойдалилигини йўлга қўйиш одамларни қанча соғломлаштирган, жуда кўп хавфли касалликлардан (чунки, ирсий хасталиклардан, психопатологиялардан) қутқарган ва тамомилла халос қилган бўларди. Хозиргача касалликларга қарши дозилар ва жароҳлик амалиёти билан курашиб келинди. Энди турли хасталикларга қарши озик-овқатларнинг тозаллиги, соф қуввати ва демек, шифобахшлиги билан кураша бошлаш, масаланинг туб-тубига сунъий салоҳият имкониятларидан қараган ва одамзод аҳолини тубдан енгиллаштирган бўларди. Буларга талантли ёшларимизнинг диққат-эътиборини ишчи ва муттасил тарзда торттайлик. Уларни шундай келажаги мислсиз аҳамиятли гоиларга қизиқтирайлик. Улар ҳаёт эрмак ва ўйин учун берилмаганини тўла ҳис қилсин. Ёшларга жасорат ва ихтиролар қанчалар ярашади! Ихтиролар йўлидан сабот билан бориш учун керакли илмий-фанний адабиётларни иштиёқ билан ўқиб, ўзлаштиришга тўғри келди. Шунда энг онглар келажаги йўқ, ўта ҳавойи ва мавҳум нарсалар билан бош қотириб юриш ёки уларга алданиб қолишдан ўзини қутқаради. Бизда ҳавойилик, паршонлик, енгил-елпи нарсалар билан яшаш тарзига берилиш, фикрни керакли нарсаларга жамлай олмастик иллоти анча авж олган. Фойдали ишларга ақл ва ҳаёлни жамлаш, киши ўзини шунга қатъян ўргатиши инсон ҳаёти ва тақдирини мислсиз улғайтса самара беради. Бунга юз фоиз кафолат бериш мумкин.

Азизларим! Кўпроқ одамгарчилик хусусида фикрлайлик. Фикру ҳаёлимизнинг ўлчуси ва меъёри тубдан одамгарчилик бўлсин. Миллий менталитетимиз, ўзлигимиз, қадр-қимматимиз асосида тугал одамгарчилик туради. У бизни халқ қилган, халқ сифатида тарих бўронларидан сақлаган. **Ўзбеклар бир-бирига одамгарчилиги бор-йўқлигига қараб баҳо бериб келган. Одамгарчилик қанчалар буюк спектрга эга! У қўлланмаган соҳа йўқ. У қўлланганда ҳал бўлмаган чигил ишлар ҳам йўқ. Юртдан фахрланиш ҳам, юртни ҳимоя қилиш ҳам энг юксак одамгарчилик деб қаралиши зарур.** Болаларимизга ҳам одамгарчилик таълими гоят тушунарли. Одамгарчилик инсон ҳусни ҳулқининг энг қимматли хусусиятидир. У миллатни енгилмас қилади. Сен оғир ётган бир беморни бориб кўродингни? Бир қариянинг аҳолини енгиллаштиродингни? Мухтожнинг оғирини енгил қилодингни? Булар миллатнинг одамгарчилик удумларидан лоқал бир шингилдир. Улар ҳар бир одамнинг ким ва нима эканини ҳамма нарсадан кўра яхшироқ тушуниради.

Бугунги ўғил-қизлар мамлакатда қилинаётган жамки муҳим ишларнинг яримдан кўпрогини ўз зиммасига олган. **Бизнинг ёшларга ишонса бўлади.** Уларнинг қадами пишик-пuxта, нафаси тоза. Қадам олиши мустаҳкам ва пок. Назари синчков. **Ёш ҳарбийларимиз замонавий ҳарбий илмлар ва айниқса, техниклар — роботлар ва ракетага оламига қизиққан. Мен бунда қўшинларимизнинг доимий қудрати, жанговарлигини кўраман.** Юксак техниклар ҳамма нарсани ҳал қияпти. Мамлакатимиз ёшларининг техник билимлари ва имкониятларини мунтазам кучайтириб борсак, ҳарбий салоҳиятимиз барча вазифаларни ҳал қилиш, ечишга муваффақ бўлади. Мен ёшларнинг ғайрат, шижоат ва илм, билимларига чин дилдан мафтунман! Ғайратингиз асло кам бўлмасин!



## ДУНЁ НИГОҲИДАГИ ЎЗБЕК АРМИЯСИ

Ўзбекистон армиясининг узоқ йиллик жанговар аъёнлари, жанг санъати ва миллий қадриятлари замирида уч муҳим жиҳат — ватанпарварлик, юрт ҳимояси, бурча садоқат каби муҳташам тушунчалар ётади. Сўнгги йилларда юритилаётган давлат сиёсати моҳиятида ҳам ана шу сифатлар устувор бўлиб қолмоқда. Ўзбекистон Қуролли Кучлари жанговар аъёнлари қамровига ватанга муҳаббат, ҳимоясига шайлик, қаҳрамонлик ва жасорат, ҳарбий биродарлик каби туйғулар сингдирилгани ҳам фикримизни асослайди.

Бугун дунёда кечаётган ҳарбий-сиёсий низолар Қуролли Кучларимизни ҳар томонлама мукаммал тактика ва позиция асосида ривожлантиришга ундайди. Ислохотлар самараси ўлароқ қисқа муздатда замонавий, миллий армиямиз қиёфасини яратиш ва мустаҳкамлашга эришидик, деб маълум айта оламиз.

Президентимиз нутқларидан бирида бундай деган эди: “Албатта, Қуролли Кучларимизнинг шаклланиш жараёни дунёда ва минтақамизда мураккаб ҳарбий-сиёсий вазият ҳукм сурган даврга тўғри келди. Ислохотларимиз натижасида мамлакатимиз хавфсизлиги ва халқимиз осойишталигини таъминлашга қодир бўлган, ҳар томонлама замонавий қуролланган, қудратли армиямиз шаклланди”.



Улуғбек ДЎСМАТОВ, Мудофаа вазирлиги Маънавият ва маданият департаменти бошлиғи, полковник

700 та техника бирлиги иштирок этди. Ушбу машғулотларда қуруқлик, ҳаво ва денгиз бўлиналари ўртасидаги ҳамкорликни такомиллаштиришга қаратилган тактик вазифалар амалга оширилди.

Озарбайжон ҳарбийларининг “Чимён”-да малака ошириши, Ҳиндистон Қуролли Кучларининг қуруқликдаги қўшинлари штаб бошлиғи, генерал Манож Панде раҳбарлигидаги делегациянинг Ўзбекистон Мудофаа вазирлигига ташрифи ҳамда Ўзбекистон — Ҳиндистон: “Дўстлик — 2024” ўқувлари юртимиз ўғлонларининг касбий маҳоратини оширишга хизмат қилди. Машғулотларда қуруқлик ва ҳарбий ҳаво кучлари мутахассислари иштирок этди. Асосий эътибор терроризмга қарши

кураш ва бошқа операцияларда бўлиналар ўртасидаги мувофиқлик ва жипсликни оширишга қаратилди.

### Тарихий ғалабалар

Азалдан туркий халқларда жанговар руҳ, жангчиларнинг юрт тинчлиги ва равнақи йўлидаги фидойилиги, ватан шон-шавкатини дунёга таратиш масалалари юксак вазифа бўлиб келган. Бу йўлда бугунги янги Ўзбекистон армияси ҳам қатор ғалабаларни қўлга киритмоқда.

Машғулотларимизда сингдирилаётган садоқат ва фидойилик, душманни шифқатсиз тор-мор қилиш, чекинмаслик, халқ манфаатлари ва тарихини асраб-авайлаш каби ҳислатлар ҳар жаҳдада ўз самарасини бermoқда.

2024 йилда Мудофаа вазирлиги мутахассислари турли халқаро ҳарбий мусобақаларда фаол қатнашиб, фахрли ўринларни эгаллади. Хусусан:

Покистонда “Жамоа руҳи” мусобақасида 1-ўрин;

Россияда “Саян юриши” мусобақасида 3-ўрин;

Туркияда “Энг илгор мерган” мусобақасида 1-ўрин;

Ҳарбий-касбий тайёргарлик халқаро олимпиадасида 1-ўрин;

Жанубий Кореяда “Халқаро илмий жанговар тайёргарлик” мусобақасида 1-ўрин, I халқаро мерганлар мусобақасида 2-ўрин;

Буюк Британияда “Кембрия патрули” мусобақасида 2-ўрин;

МДҲга аъзо давлатлар армиялари ўртасида “Ўқ отиш спорти” мусобақасида 1-ўрин;

МДҲга аъзо давлатлар армиялари ўртасида “Ҳарбий спорт комплекси кўпураши” мусобақасида 2-ўрин.

Шунингдек, Ўзбекистон Мудофаа вазирлиги қўшинларининг 22 ҳарбий хизматчи спортчиси XXXIII ёзи Олимпия ўйинларида мамлакатимиз спорт терма жамоалари

таркибида 9 та спорт тури бўйича иштирок этди. Олимпия ўйинлари якунига кўра, Мудофаа вазирлиги ҳарбий хизматчилари 2 та олтин, 1 та кумуш медалини қўлга киритди. Паралимпия ўйинларида ҳам Мудофаа вазирлиги ҳарбий хизматчилари 1 тадан олтин ва кумуш медал соҳиб бўлди.

### Халқ ва армия яқдил

Президентимизнинг эътибори ва ташаббуси билан қисқа вақтда миллий армиямиз улкан марраларга эришгани жаҳон оммавий ахборот воситаларида ҳам буй кўрсатди. Ўтган даврда Қуролли Кучларимиз замон талабларига мос равишда ислох қилинди, янги намунадаги қурол-аслаҳа ва ҳарбий техникалар билан қайта таъминланди. Бошқарув органлари ва қўшинларнинг оператив ва жанговар тайёргарлиги даражаси 2 баробар ошди.

Миллий армиямизнинг жанговар шайлиги ва салоҳияти ошиб бораётганини АҚШдаги “U.S. News & World Report” янгиликлар журналининг 2024 йил учун нашр этилган рейтинг ҳам тасдиқлаётди. Унга кўра, Ўзбекистон армияси жаҳоннинг етакчи 20 талигига қўшилиб, 19-ўринни, Марказий Осиё минтақасида эса етакчи мавқени эгаллаб турибди.

Халқ ва армия яқдрилишида юритилаётган пухта сиёсат ва эътибор натижаси халқимиз кўз ўнгига самара бериб келаётгани, айна пайтда кенг қамровда нишонланаётган Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 33 йиллиги ҳамда Ватан ҳимоячилари куни байрамига муносиб совға бўлгани шубҳасиз.

Хулоса қилиб айтганда, 33 йил бу шунчаки рақам эмас, доимий изланишлар, илохотлар ва кенг қамровли ғалабалар рамзи. Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари — тинчлик ва барқарорлик кафолати, мустақиллик таянчи ва миллий гурур тисмони. Унинг муваффақияти бутун мамлакат, халқ ва етакчиси муваффақиятидир.

## ЮРТ ТИНЧЛИГИ БАРҚАРОРЛИГИ

### БАРЧАМИЗНИНГ ҲАМЖИҲАТЛИКДАГИ БУРЧИМИЗ



Икромхон НАЖМИДДИНОВ, “Нуроний” жамғармаси Наманган вилояти бўлими раиси, Олий Мажлис Сенати аъзоси

Дунё отлик катта уммон бугун ҳар қанчондан-да безовта. Бўйи баробар изма-из келаётган тўлқинлар катта-кичик кемаларни бирдек чайқатади, сал қолса мувозанатини бузиб, ўз домига тортадигандек гўё. Тинимсиз, эзгилаб ётаётган ёмғир эса йўлни янада оғирлаштиради...

Бу ҳаловатсиз уммонда ҳамма, биз ҳам бормиз. Қайсида йўлни йўқотган, яна қайсида бир оз тин олиш учун чексизлик тубига лангар ташланган мураккаб бир шароитда янги Ўзбекистон отлик шижоатли

кема 37 миллион йўловчиси билан мувозанатини, манзилни йўқотмасдан илдам бормоқда.

Ҳа, афсуски, бугун замонимиз шунақа нотинч бўлиб қолди. Бундай шароитда миллий мустақиллигимизни мустаҳкамлаш ҳар қанчондан ҳам долзарб ҳисобланади. Шукрки, мамлакатимизда мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, Қуролли Кучларимиз қудратини ошириш борасида кейинги йилларда катта илохотлар амалга оширилмоқда. Яна шукрки, пировардида юртимиз тинч, халқимиз хотиржам.

Ватанин, тинчлигимизни ҳимоя қилиш борасида сўз борар экан, бу вазифа фақатгина Қуролли Кучлар сафида хизмат қилаётган аскарлар ёки ҳуқуқ-тартибот органлари ҳодимларининг иши эмаслигини, бу барчамизга бирдек тааллуқли эканини алоҳида таъкидлаш ўринли. Зеро, янги Ўзбекистон, унинг қувончу таъшиви, ор-номуси, обрўси, ютуғи барчамизники. Демак, уни ҳимоя қилиш, тинчлигини таъминлаш, барқарор тараққий эттириш ҳам ҳамжihatлиқдаги ишимиздир.

Янги таҳрирдаги Конституциямизнинг 64-моддасида ҳам Ўзбекистон Республикасини ҳимоя қилиш ҳар бир фуқаронинг бурчи экани белгиланган.

Шу ўринда Президентимиз, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони сазй-ҳаракати билан давлатимизнинг ҳарбий-сиёсий масалалар бўйича қатъий позициясини ифода этадиган янги Мудофаа доктринаси қабул қилинганлини алоҳида таъкидлаш ўринли. Вақт ўтishi билан миллий армиямиз тезкор ва ихчам, ҳар қандай таҳдидларга муносиб зарба беришга қодир бўлган жанговар кучга айланиб бормоқда. Бинобарин, юқорида айтилган илохотларга қўшилган ҳарбий ўтганимиздек, ҳар бир фуқаро, айниқса, ҳарбий хизматчининг профессионал билим ва малакаси, ақлий салоҳияти, руҳий тайёргарлигини ошириш, уларда ватанпарварлик фаилатларини камол топтириш ўта муҳим аҳамиятга эга.

14 январь — Ватан ҳимоячилари куни муносибати билан Наманган вилоятида ҳам ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш мақсадида барча таълим муассасалари, ҳарбий қисмлар, мактаблар, маҳаллалар ва жамоат жойларида кенг қамровли тадбирлар ўтказилди. Уларда ёшларнинг ақл-заковати билан бирга Ватанга содиқлик, илохотларга дахлдорлик ҳиссини янада оширишга эътибор қаратилди.

Заминимиздан етишиб чиққан Бухорий, Термизий, Мотуридий, Ибн Сино, Баҳоуддин

Нақшбанд, Алишер Навоий каби алломалар ўзларининг бебаҳо асарлари орқали мамлакат қудратининг юксалишига, маънавий ҳаёт тараққиётига улкан ҳисса қўшгани ҳақиқат. Шу билан бирга, Амир Темур, Жалолиддин Манғуберди, Захриддин Муҳаммад Бобур каби буюк саркардалар Ватанимиз ҳарбий қудратини оширишга бел боғлаб, уни мудофаа қилган. Шулар ҳақида ва Муҳаммад Аминбек (Мадаминбек), Шермухаммадбек ва Нурмухаммадбек сингари мард аждодларимиз ҳаёти, фаолияти тўғрисида тадбирларда айтилган фикрлар ёшлар қалбини тўлқинлантирди. Бунда маҳалла ёшларига бириктирилган нурунийликка ишрати катта бўлмоқда.

Аслида, она юртни ҳис қилиш болалик йилларининг беғубор шўхликлари — уйимиз, боғимиз, кўчамиз, маҳалламиз гурури учун қўнғида тушган, футбол ўйнаган пайтларимиздан бошланади. Эласансиз, ўша пайтларда маҳалла оқсоқоллари “Ота-онангни уялтириб қўйма, маҳалла шаънига доғ тулширма, қишлоғимиздан халигача ёмон одам чиқмаган, кўндиндан кўндин бўлиб — сендан ёмонлик чиқмайди”, деса, кўнглимизда гурур уйғониб, ўзимизни катта-катта қаҳрамонликларга тайёр қилиб кўрсатар эдик.

Ватан — муқаддас даргоҳ. Уни ҳимоя қилиш, душманлардан асраш, равнақи ва фаровонлиги йўлида хизмат қилиш шу юртнинг ҳар бир фуқароси, катта-кичигининг қатъи назар, барча учун ҳам фарз, ҳам қарзидир.

Сўзим охирида Ватан ҳимоячиларини табриклаш асосида уларга эл-юрт ҳимояси борасидаги фаолиятида куч-қувват, сўнмас шижоат, мардлик ва жасорат ҳамиша ёр бўлишни тиламан. Ишонманки, мамлакатимиз тинчлиги барқарор бўлиши учун улар ҳар доимидек куч-ғайрати, салоҳиятини аямайди. Бунга ишонч ҳосил қилган юртдошларимиз эса ободлик, бунёдкорлик билан машғул бўлаверди. Ахир дунёда тинчликдан ортқ неъмат борми?!

УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ ЎҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!

Армия ва халқ бир тану бир жон

# ВАТАН ҚИМОЯЧИСИ БЎЛАЙЛИК!



## ВАТАНПАРВАРЛИК ОНА АЛЛАСИ ИЛА ҚАЛБГА ЖОЙЛАНАДИ

Изҳор



Исмигул ХУШМУРОДОВА, Халқ депутатлари Қашқадарё вилоят кенгаши раиси

Кўхна тарихдан маълумки, азал-азалдан эр йигитлар она юрти кўз қорачиғидек асрашда, элини ардоқлаб, ҳар қандай ёв келса, жон бериб, жон олиб, ўзини фидо этган. Жалолиддин Мангуберди, буюк соҳибқирон Амир Темур каби кўплаб ботир ўғлонларимизнинг фидойилиги, уларнинг ҳар бир жасорати, ватанпарварлиги эътироф этилиб, кўпчиликка намуна сифатида кўрсатиб келинади. Қанчадан қанча китобларда улар ҳақида мақтовли битиклар мавжуд. Халқ оғзаки ижодида ҳам кишида фахр туйғусини оширадиган ривоятлар афсоналар айнан мардондор йигитларимиз ҳақида экани бунинг яққол далилидир. Қолаверса, бахшиларимиз жасур ўғлонларимиз ҳақида достонлар битиб, доимо ўз қахрамонларини ардоқлаб, авлодларга фахр билан сўзлаб келмоқда.

Ота-боболаримиздан қолган бир пурмаёно ҳикмат бор. “Алларни оналар дунёга келтиради”. Дарҳақиқат, шарқ аёлларининг жасорати тилларда достон бўлгани сир эмас. Биргина Тўмарис ўз фарзандидан айрилишига қарамастан ёвга мардондор қарши чиқиб, юртига бостириб келган душмани ер билан яқсон қилиш учун лашкарларига бош бўлгани ёхуд Бобур Мирзонинг ораси Хонзадабегим ўзини душманга бахшида этиб, эл-улусини қамалдан чиқариб кетгани ҳам ўзига хос катта мардлик намунаси. Мозий зарварларидан бундай жасур оналаримиз ҳақида юзлаб битиклар, афсонау ривоятлар мавжуд.

Яна бир гап. Иккинчи жаҳон урушида ёхуд уруш ортидаги оналарнинг сабр-матонати, фарзандларига далда бўлиб, гурури билан душманга бош эгмасдан тура олгани, ҳаттоки жангтоҳларда ҳам тик туриб ёвга қарши курашгани, йигитларни галабага ундагани ҳам бизга маълум. Бундай мисолларни тарихдан ҳам, бугунги кундан ҳам кўплаб келтиришимиз мумкин.

Ватанимиз сарҳадларини қўриқлаётган, халқимиз осойишталиги йўлида хизмат қилаётган ҳарбийлар орасида билимдон ва жасур опа-сингилларимиз борлиги қалбимизни гурурга тўлдирди. Улар нафақат ҳарбийлар орасида, балки мамлакатимизнинг турли соҳаларида ҳалол меҳнатлари билан эл хурматида

сазovor бўлган. Ўзларининг шижоати, меҳнатсеварлиги, юрт тараққиёти йўлидаги самарали хизматлари билан барчага намуна бўлиб келишмоқда. Бугун барча тармоқларда хотин-қизларимиз жавлон ураётганига гувоҳимиз.

Бир пайтлар олийгоҳларда санокли йўналишда қизларимиз тахсил олди. Бугун қайси олий ўқув юртида бўлмаг, албатта, аълочи ва жамоатчи талаба қизларимизни учратасиз. Мухтасар қилиб айтганда, янги Ўзбекистонимизни барпо этиш борасидаги кенг кўламли ишлохотларда қизларимиз ҳам йигитлар билан тенгма-тенг иштирок этган ҳолда, нурли эртамиз томон дадил одимламоқда.

Жасур ва баркамол ўғлонларни дунёга келтиришда, уларни ватанга садоқати қилиб тарбиялашда оналаримизнинг хизматлари беқиёс. “Ватанга муҳаббат бешиқдан бошланади” деб бежиз айтилмайди. Она ватанга муҳаббат фарзанд қалбига она алласи орқали сингдирилади. Шундай экан, муҳтарам оналаримиз, мунис опа-сингилларимиз ҳам Ватан ҳимоячилари саналади. Барчамизга 14 январь — Ватан ҳимоячилари кун, Ўзбекистон Қуроли Қўлларининг 33 йиллик байрами муборак бўлсин!



Исажон СУЛТОНОВ, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши аъзоси, Ўзбекистон халқ ёзувчиси

## АЖДОДЛАРДАН МЕРОС ЖАСОРАТ ВА ФИДОЙИЛИК

ЁХУД МИЛЛИЙ АРМИЯМИЗНИНГ ҚУВВАТ МАНБАИ

Кўхна Хитой солномаларида Ботир Тангрикут замонасидан юз йил ўтиб, Хан сулоласи учқур отларни қўлга киритиш мақсадида юртимиз тупроқларига қўшин торгани ҳақида малумотлар батафсил келтирилган. Ушбу қўшинга қарши мардондор курашган Ахсиент, Ўш, Эрши қалъаси ҳимоячиларининг жасорати солномаларда алоҳида ўрин берилган.

Туркий халқларнинг энг қадимги ёзма ёдгорлигини яратган Билга хоқон Бугу ўз юртини босқинчилардан қутқариб, юксалтирган хоқон ҳисобланади. Давр кишиларининг фидойилиги ва жасурига шу кунгача сақланиб қолган Урхун-Энасой тошбитиклари таъкидлаб турибди: “Устинда кўк босмаган бўлса, остинда ер ёрилмаган бўлса, элингни, тўрингни ким буза олур?”.

Шунингдек, бир қанча иқтидорли лашкарбошилар дўст давлатларнинг илтимосига биноан, ҳарбий қўшинга кўмондонлик ҳам қилган. Қудратли Танг сулоласи даврида Чин қўшинини бошқарган Бугу хон, Хуросон лашкарбошиси бўлмиш жасур ва мард Алптегин ва Сабуктегинлар номи тарих саҳифаларига олтин ҳарфлар билан битилган.

Туркий қўшинда ватанпарварлик, жасурилик, маҳорат юксак даражада бўлганини ҳам таъкидлаб ўтиш жоиз. Бундан икки минг етти юз йил аввал яшаб ўтган чўпон Широқнинг шижоати ҳаммамизга маълум. Бу маълумот юртин хон тарихисини Полениннг “Ҳарбий ҳийдалар” асарига ибрат қилиб келтирилгани бежиз эмас. Мисол учун, Заҳриддин Мухаммад Бобур ўз асарига Мирзо Ислим барлоқ деган киши ҳақида шундай деб ёзади: “Ўттиз-қирқ ботмон ей ўқини куч билан отиб, тахтадан ўтказди. Қабақ (камон отиш маъносида қўлланадиган нишон) майдонда майдон бошидан чопиб, ёйни тушириб олиб отиб қовоқсимон нишонга урарди. Яна зехирни (бармоқча кийилари) англашувансимон (ускуна) бир-бир ярим қарич чилвирга боғлаб, чилвирнинг иккинчи учини бир ёғочга маҳкамлаб, айланар эди.

Айланиш ҳолатида ўқни отиб, зехирдан ўтказди. Бундай гаройиб ишлари кўп эди”.

Шу каби мисоллар тарихимизда кўплаб топилди.

Яқин тарихга мурожаат қиладиган бўлсак, Иккинчи жаҳон уруши даврида юзлаб ўзбеклар жанг майдонларида қахрамонликлар кўрсатган. Ўзбекистон Президенти, Қуроли кучлар Олий Бош Қўмондонининг 2021 йилда Хотира ва қадрлаш кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқидаги ушбу сўзларига диққат қилайлик:

“Ўзбекистон халқи бутун тараққийпарвар инсоният қаторида урушининг биринчи кунларидан бошлаб фашизмга қарши жангга кирди. Ёвуз душманини тормор этиш учун бор куч ва имкониятларини сафарбар этди.

Шу борада баъзи бир энг муҳим, илгари ташкил этилди. Уруш бошланиши билан қарий 2 миллион юртдошимиз фронтга отланди. Қар бири том маънода қахрамон бўлган бу азиз инсонларнинг 500 мингдан зиёди шафқатсиз жангларда ҳалок бўлди.

200 мингдан зиёд аскар ва офицерларимиз жанговар орден ва медаллар билан мукофотлангани ҳам яққол исботлайди”.

Ватанимиз мудофаачилари аждодларидан айнаи шу хислатларни — фидойилик, жасорат, маҳорат, узоқни кўра билиш каби муҳим фазилатларни ўзида юк қилган замонавий профессионал қўшин ўлароқ, давлатимиз боқийлиги ва халқимиз осойишталиги учун хизмат қилиб келаётгани барчамизга гурури уйғотади. Армиямизнинг бугунги куч-қудратига эришиш осон бўлгани йўқ. Муस्ताқилликнинг дастлабки йилларида ҳарбий қўшларнинг бинолари эски, қаровсиз бўлиб, таъминот ёмон аҳволда эди.

Бугун армиямиз ҳар жиҳатдан тўқис, аввалги даврлардан қолган салбий ҳолатлар бутунлай бартараф этилган. Илгари мард йигитларимиз, салохийлик ҳарбийларимиз камситилиб, замонавий билимларга яқин йўллатилмагани, кўпроқ қурилиш ва таъминот бўлимларига хизматга юборилган бўлса, бугун ҳавас қилса кўп қўмондонларнинг нафақат бошлиқ, балки мураббий эканига ҳам шохид бўлганимизни айтиб ўтиш лозим.

Албатта, замонавий дунёда овоз ва хур ҳаёт кечиримизнинг қафолати бўлмиш ҳарбийларимиз бугун ҳам ўз ватанини, халқининг миллий ва маънавий қадриятларини ҳимоя қилиш, муттасил ўзгараётган воқеада террор хуружлари, уюшган халққаро жиноятчиликка қарши кураш каби жаб-ҳаларда хушёр туриб, юртимизнинг ҳаво, сув, қуруқлик чегараларини қўриқлашдаи масъулиятли вазифаларини муттасил давом эттирмоқда. Ҳарбийларимизнинг эл хизматга доимо тайёр экани, ҳар турли хавф-хатарларни бартараф этишда баҳамжиҳат бўлиб ҳаракат қилиши “Армия ва халқ — бир тану бир жон” деган широда муҳимас.

Шуни ишонч билан айтиш керакки, армиямизнинг турли техноген ва табиий офатларга тайёрларлик даражаси ҳам юқори. Бунга бир неча йил аввал Сардобада юз берган табиий офат оқибатларини бартараф этиш чоғида ҳарбийларимиз кўрсатган жасорат мисол бўла олади.

Минглаб йиллар мобайнида барчамизга ватан бўлиб келган шу баракали заминда мамлакат тараққиётига ва хавфсизлигига ҳисса қўшиб келаётган барча ҳарбийларимизни Ватан ҳимоячилари кунин билан чин қалбдан табриқлаймиз ва ҳурматларимизни изҳор қиламиз.

Ифтихор

Энди тўрт ёшга қадам ташлаётган Рустамбек ҳар сафар дадаси ишдан келиши билан қўлчасини чаккасига қўйганча ҳарбийча саломлашиб кутиб оларди. Бундан қувонган отаси ҳам унга жавоб қайтаришдан эринмасди. Шундан сўнг бош кийимини ўглига кийдириб қўярди. Болакай эса бундан гурурланиб, аскар каби шаҳдам қадам ташлаб кетарди. Гоҳида унга кулиб қараб турган катта лейтенантга ўзинча қандайдир топшириқ берган бўларди. Рашид ака ўша пайтлари энди ишга мослашиб, лавозими ҳам бир поғона ошган дамлар эди. Тўнғич фарзандининг шу ёшдан ҳарбийликка меҳри бўлакча эканини кўриб, буни шунчаки болаларча қизиқишга йўярди. Аммо Рустам улгайгани сари ундаги бу қизиқиш ҳам ортиб борди.

У ҳар сафар дадасига ҳарбий бўлиш учун нима қилиш кераклиги ҳақида тинимсиз саволлар берарди. Мақтабда бошланғич синфда ўқишига қарамай, дадасининг айтганларини бажаришга, ҳарбий хизматчи одобли, билимли ва жисмонан бақувват бўлиши тўғрисидаги ўғитларга амал қилишга интиларди. Ҳар доим эрта турар, ҳовли бўйлаб югуриб, бадантарбия машғулотларини бажаришни одатга айлантирганди. Дарсларини вақтида тайёрлаб, деярли ҳар кун аёло баҳо олиб келишга тиришарди. Кейинчалик ундан икки ёш кичик Достонбек ҳам акасининг кундалик одатларини такрорлайдиган бўлди. Ҳар тонгда оилада нафақат Рашид ака, балки бутун оила аъзолари спорт билан шугулланар, соғлом турмуш тарзига амал қиларди. Касби ҳарбий учувчи бўлгани боис, доимий спорт билан шугулланиб юришини яхши кўрадиган оила бошлиғи баъзида оилавий мусобақалар ҳам уюштирарди. Фарзанд-

## РУСТАМУ ДОСТОНЛАРИ БОР ЭЛИНГ ОСМОНИ МУСАФФО

лари ва турмуш ўртоғи билан бирга югуриш, турниқда тортилиш каби баҳслар ўтказиб, голибларни ўзи тақдирлаб борарди. Шу қатори ўғилларига миллий қадриятлар, ватанга садоқат, оилага ҳурмат тушунчалари ҳақида гапириб, уларнинг қалбига сингдиради. Бундан ташқари, ҳар бир йигит юртини кўз қорачиғидек асраши кераклиги, бунинг учун ҳеч қачон бефарқ бўлмастик лозимлигини уқтирарди. Ҳарбийлик касби ўзига хос маънавият ва шарафли эканини тушунириб, фақат ўзида хоҳиш бўлсагина, киши бу йўлни танлаши мумкинлигини таъкидларди.

Отасининг йўлидан боришга аҳд қилган Рустамбек Ўзбекистон Республикаси ҳарбий авиация институтига ўқишга ҳужжат топшириб, имтиҳонлардан аъло баҳоларда ўтди ва курсантликка қабул қилинди. Орадан бир йил ўтиб, оиланинг иккинчи ўғли Достонбек ҳам ҳеч иккиланмай ўқитётган олий ўқув юртига ҳужжат топшириб, курсантлар сафидан жой олди.

Бугун Рустамбек Шокиров 5-босқич курсанти. Достонбек Шокиров эса 4-босқичда ўқияпти. Отаси полковник Рашид Қўлдошев шу олийгоҳнинг катта ўқитувчиси. Онаси Мафзуза Ҳайдарова олийгоҳга қарашли тиббиёт пунктида ҳамшира бўлиб ишлайди. Қисқаси, оилада барча ҳарбий. Ҳатто айнаи пайтда мактабининг 10-синфда ўқитётган кенжа ўғил Шерзод ҳам келажакда ҳарбий шифокор бўлишга бел боғлаган.



— Бизда бу касбга меҳр туғилганимизданок пайдо бўлган, десам бўлади, — дейди табассум билан Рустамбек Шокиров. — Нега десангиз, дадам шу тизимда меҳнат қилиб келар экан, ҳар кун уни ҳарбий либосда кўриб, шу соҳага онд терминларни эшитиб катта бўлганмиз. Болалигимизда кўпинча дадам ишончасида ўтказиладиган байрамларга етаклаб борарди. Шунда у ер-

даги самолёт ва вертолётларни кўриб, ҳайратланардик. Бундай катта техника осмонда қандай парвоз қилишига жуда қизиқардик. Дадамнинг шу вертолётларни самода бошқариб юришини тасаввур қилиб, ўзимизча гурурланардик. Уйга келгач, бу ҳақда саволларимиз жуда кўпайиб кетарди. Шундай бўлса-да, барчасига дадам эринмай жавоб берарди. Парвоз ҳақидаги ҳикояларини

қизиқиш билан тинглардик. Улгайганим сари учувчиликка меҳрим ошиб борди. Кейинчалик ўзимда бошқа касб билан шугулланишга умуман иштиёқ йўқлигини англадим. Шу сабаб ҳарбийликни ҳаётим деб биланам. Полковник Рашид Қўлдошев асли Вобекент туманида туғилиб, ўша ерда оила қўрган. Лекин шу пайтга қадар қарниб қилиб йўлида юртимизнинг кўпгина вилоятларида жойлашган ҳарбий қўшларда фаолият юритди. Кейинчалик Қарши шаҳрида жойлашган ҳозирги ҳарбий авиация институтига ишга кириб, орттирган билим ва тажрибасини ёшларга ўргатиб келмоқда. У курсантларга сабоқ бериш давомида парвоз қоидаларини доим жиҳдий ўрганиш кераклигини уқтириб келади. Бундан ташқари, учувчи ҳеч қачон бефарқ бўлмастик кераклигини таъкидлайди. Шу билан бирга, ортидан эргашиб, ҳарбий учувчиликни мукамал ўрганаётган ўғилларини ҳам доим масъулиятли бўлишга ундайди. Ватан сарҳадларини ҳимоя қилишда улуг бурчини юракдан ҳис қилиб яшаш кераклигини таъкидлашдан чарчамайди.

— Учувчилик сирларини ўрганишимизда энг биринчи устозимиз — дадам. Оила даврасида бўлганимизда кўпинча ундан вертолёт бошқаруви борасидаги тажрибаси билан ўртоқлашишни илтимос қилиб, анчагина билимга эга бўламиз. Чунки у 20 йилдан ортиқ шу соҳада хизмат қилмоқда. Бундан ташқари, олийгоҳимизда касбимизни

мукамал эгаллашимиз учун барча имкониятлар яратилган. Ўқув қуроллари, техник жиҳозлар давр талаблари даражасида. Етарли шароит яратилган. Амалиёт ўташ учун ҳам барчаси рисоладагидек. Бундан ташқари, шугулланиш учун спорт мажмуаси мавжуд. Шинамгина кутубхонамизда бадиий адабиётлар, касб ва фанга онд барча қўлланмалар бор. Бемалол фойдаланиш мумкин, — дейди Достонбек Шокиров. — Кўпинча бошқа йўналишда ўқиб, ишлаб юрган тенгдошларим ҳарбий бўлиш ўта машаққатли экани ҳақида айтиб қолди. Аслида, инсон ўзи қачон муаммога доҳ келмайди, ҳеч қандай қизиқиш қўйиб қўймайди. Ҳар қандай тўсиқни қийинчиликсиз енгиб ўтади. Акамнинг ортидан эргашиб, шу йўналишда ўқингани айтганимизда ота-онам қаршилиқ қилмади. Кейинчалик, кўллаб-қувватлаб, ўқишга киришим учун ҳозирлик кўришга шарафли яратиб берди. Мана, ҳозир 4-босқичда ўқияман. Ўзим истагандек, ҳозирги тилларни ҳам пухта ўзлаштирипман. Келгусида юрт ҳимоясидек шарафли соҳада ишлаш мен учун катта шараф. Мамлакатимиз осмонини муссаффо сақлашга бор кучимни сафарбар этман.

Айнаи пайтда ҳарбий олийгоҳда таълим олаётган ака-ука Шокировлар ташаббускорлиги билан бошқаларга ўрнак бўлмоқда. Жумладан, Рустамбек спорт мусобақаларида доим биринчилар қаторидан жой олади. Укаси Достонбек эса китоб ўқишни одатга айлантирган. Шу сабаб бўлса керак, олийгоҳда ўтказиладиган зўқоқлар танловида унга тенг келадигани кам топилди. Энг муҳими, бир оилада уч ҳарбий учувчи борлиги кўпчиликда ҳавас уйғотади. Рустаму Достонлардек ор-номусли, жасур ҳимоячилари муссаффо бўлади, осмонимиз бор экан, юртимиз ҳамиша тинч, осмонимиз муборак бўлади.

Акрам РАҲМОНОВ, “Янги Ўзбекистон” муҳбири

Экологик тафаккур

МЕҲРИМИЗДАН БАҲРА ОЛИБ  
УНСИН НИҲОЛЛАР



Мунаввара УСМОНОВА,  
шоира

Аслида, она юрт, халқ,  
табиат — буларнинг  
хаммаси муштақам  
ришталар орқали  
бир-бирига боғлиқ  
тушунчалар. Ватан  
аталмиш муқаддас  
маскани жондан  
севсанг-у, унинг гўзал  
табиати, заҳматкаш  
халқи, борингки, дашту  
далаларини яхши  
кўрмай бўладими!

яна анчагина меваги дарактлар ҳам  
бор экан. Икки акамини ёнига олиб,  
сув кўрмай тош қотган ерни юм-  
шатиб, ниҳол қадабди. Шундан  
сўнг дадам доим ишга кетишда  
идишларни сувга тўлдириб олиб  
кетар, иши ҳар қанча тизиг бўл-  
са ҳам ниҳолларга сув қуяр экан.  
Кўчатлар буй тортиб, сояси туша-  
диган бўлиб, илдизи ерга маҳкам  
ўрнашганига ишонч ҳосил қилгачи-  
на: “Мана энди сизларни ёмғирга топ-  
ширдим”, дея йўлини узган экан. Акам  
янги машина олганида, дадам менга: “Ки-  
зим, сизни бир жойга олиб бораман”, деди.  
Бирга йўлга тушдик. Узи эккан дарактларни  
кўрсатиб, “Яшидан боғ қолади. Ота-бобо-  
ларимиз, “Қиёмат келаятганини билсанг ҳам  
қўлингга кўчат ушлаб турган бўлсанг, экиб  
кет”, дедим. Мана бу дарактларнинг соясида  
ўтирган одамнинг ҳам, шохига кўйиб сайраб  
турган қушларнинг ҳам саовиб бизга бора-  
ди”, деди қувониб. Вақт ўтиб, осмонга буй  
чўзган улкан қайрағочлар соясида чой, айрон  
сотиб ўтирган болаларга қараб, “Отам эккан  
ниҳолларнинг мевасини болам еди” деган  
шарҳ дунёга келган. Отам бу бардошчи да-  
рактларни жазирамага ўзи учун экмаган эди.  
Яна ўзидек бир инсоннинг бошига ташвиш  
тушиб, шу ерда тўхтаб, соясида бахра-  
манд бўлиши учун эккан. Ҳа, биз шундай  
паллага кирган эди. Халқимиз дарактларни  
бўрондан асрайдиган қалқон дейди. Ҳатто  
дарактнинг ўзига яқин олиб, дўстидек қадр-  
лайди. Шу маънода, 2025 йил халқимизнинг  
йили бўлди. Зеро, бугун кечаги ташаббуслар  
янада кўтаринки руҳда давом этмоқда.

Табият билан уйғун яшайдиган халқ-  
мизга бошланган янги йил ҳам бошқача,  
яна ҳам жозибали фурсатларни ваъда қил-  
ётгандек. Чунки 2025 йилга **Агроф-муҳит-  
ни асраш** ва **“яшил” иқтисодиёт йили** дея  
ном берилди.

Халқ кутган, кўнгилга яқин ном дарров  
одамларнинг гайрат-шижоатидан жон олади.  
Амалга, ишга қўчилади. Ҳали йил янгилашни  
улгурмай, юртимизда “Яшил макон” умум-  
миллий лойиҳаси доирасида бошланган кў-  
чат ўтказиш, боғ барпо этиш ишлари қизгин  
паллага кирган эди. Халқимиз дарактларни  
бўрондан асрайдиган қалқон дейди. Ҳатто  
дарактнинг ўзига яқин олиб, дўстидек қадр-  
лайди. Шу маънода, 2025 йил халқимизнинг  
йили бўлди. Зеро, бугун кечаги ташаббуслар  
янада кўтаринки руҳда давом этмоқда.

Эсимда, 2022 йилда Оила ва хотин-қизлар  
қўмитаси ташаббуси билан “Оналар боғи”  
ташкил қилина бошлаган эди. Юртимизнинг  
юзлаб гўшасида шу ном билан боғлар бунёд  
бўлди. Айни кунларда Тошкент вилоятининг  
Нурафшон шаҳрида барпо этилган шундай  
боғ яна ҳам дилга яқин ном билан “Оила  
боғи” деб атади. Қадамлаб келаятган умри-  
миз йўлида эсдан чиқмас воқеалар ҳам,  
кечмиш, ўтган кунимиз билан боғлиқ хоти-  
ралар ҳам айнан шу ҳақиқатни тасдиқлайди.

Болалигимда маҳалладаги энг чиройли  
уй бизники деб ўйлардим. Эҳтимол, шундай  
бўлгандир. Оддийгина яшаганимиз билан  
ҳовлимиз ичарисидан катта қайрағоч дарак-  
ти гуриқраб ўсиб турар, энам раҳматли ул-  
кан даракт соясидаги супада ўтириб тикиш-  
бичиш ишларини қиларди. Қўни-қўшни  
энам билан гурунлашишни яхши кўрарди.  
Энам ўз хаёли билан озгина андармон бўлиб  
қолса, улар дарров савол билан хаёл тўрини  
узар экан:

— Чевар хола, сиз бу қайрағочдан нима  
топгансиз? Ана, бошқа дарактлар ҳам қар-  
тор-қатор сулув қиздай соч ёзиб турибди-ку.  
Ё Тошқулатбоғдан қолган тиллаларни шу  
қайрағоч остига қўлганмисиз?

Энам бу ҳазил аралаш саволга жиддий  
жавоб қиларкан:

— Агар дарактларнинг миллати бўлса,  
қайрағоч ўзбек бўлади, билиб кўйинглар.  
Чунки унинг жони жуда қаттиқ. Бардошли.  
Салга қайишиб, майишиб кетмайди, унча-  
мунча довул қимирлата олмайди. Соясида  
ўтирсак, юрагимизнинг кўри ўтади, меҳри-  
миздан бахра олсин деймиз-да...

Энам бу гапларни шунчаки айтмаган  
экан. Кейинчалик дадамнинг ҳаётида рўй  
берган бир воқеани эшитганимда бунга ўзим  
амин бўлганман.

Дадам раҳматли бир пайтлар Қирғизис-  
тоннинг Қизилқия шаҳрига юк машинаси  
билан қатнаб ишлаган экан. Бир кунни ма-  
шинаси бузилди, йўлда тўхтаб қолибди. Ез-  
нинг жазирамиси, қилт этган шабада йўқ.  
Биёбонда кун бўйи улловини таъмирлаш  
билан овера бўлибди. Бир дақиқа салқинда  
нафас ростлаб, сал ўзига келай деса, даракт  
туғул, ердан бош кўтарган гиёҳ йўқмиш...  
Ният қилган бўлса керак, дадам кеч кўзда  
ўзи иссиқдан азобланган худудга кўчат экиб-  
ди. Улар орасида қайрағоч, чинор, қора тол,



кетди. Тезгина харидор чиққани қувонти-  
риш ўрнига кўнглимизга гашиқ солди.  
Қалтис хато қилиб қўйган боладек бир-би-  
римизнинг кўзимизга қарай олмадик. Энди  
огиз жуфтламоқчи эдим, мендан олдин тур-  
муш ўртоғим сўз бошлаб қолди: “Айтишга  
эсон экан-да. Биздан бошқасига сотманг  
эмиз. Барбир пулини урдалаб йиғолмайди,  
жамгармаси етмайди. Биз оламиз, деб катта  
гапиргани билан кимда ҳозир бунча нақд пул  
бўларди. Хафа бўлманг, сотилмайди”, деди.  
Яна бир оздан кейин кўнглига қарши бориб  
мулоҳаза юрота бошладим:

— Бўладиган ишининг бўлгани яхши. Со-  
тиладиган бўлган, сотилсин. Қачонгача эшик  
очиб харидор пойлаб ўтирардик. Жоним у  
ёқда ёлғиз, бу ота ҳовлимиди, болалар бунча  
ачийди... Уйим ўрнига яна бир ватан тикла-



моқчи бўлганман-ку, нега ўйланаман? — деб  
ўзига таскин берарди.

Икки кун ўтмай уйининг пулини йиғиб  
чиққан қўшнингиз қувонч ичига сиғмасди.  
Биз ҳам ўзимизни қурсанд кўрсатиб, “Туп  
қўйиб, палак ёзишсин”, деб дуо қилганим  
билан биримизнинг кўнглимизга тасалли бе-  
риш учун ҳар хил фикрларни ўртага ташлар-  
дик. Тонг отгунча кўз юрмадик. Эрталаб  
нонушта пайти кимдир чақирди. Икки уй  
нарида ашайдиган қўшнингиз уй сотилиши-  
ни эшитиб кирган экан.

— Хар кимнинг ўз ўрни бўларкан.  
Шаҳарга кетганимизда маҳаллаимиз хуви-  
лаб қолди. Сизлар дов-дарактларни оқлаб,  
кўча тозалаганимизда баҳор келганини ҳис  
қилдик. Уйингиз, кўч-кўронингиз тургани  
учун хотиржам тортиб, бир кунни қайтиб ке-  
лишди, деб ўйлардик. Кеча қўшнингиздан  
хабарни эшитиб, ишонгим келмади. Аввало,  
меҳнат билан кўтарган иморатингиз ўзин-  
гизга буюрсин, агар сотилиши чин бўлса,  
уйингизни биз оламиз. Укам ёнимизга келиб  
қолсин, озгина йиғиб-терганимиз бор, керак  
бўлса, мол-ҳолни сотиб бир амалларимиз, —  
деди қўшни хижолат ичиди.

Қўшни аёл куймаган жонимизга ўт ёқиб,  
ҳовлимиз маҳалладаги энг фазил хонадон  
эгани, биз кетгандан кейин бир оз нураб,  
хувилаб қолганини қайта-қайта айтди.  
Қароримиз рост эканини эшитган: “Худо  
хоҳласа, биз оламиз, бошқа ҳеч ким билан  
аҳдлашмай туринглар”, дея шовиб чиқиб

Анорнинг мевасини қаранг. Сиз анорни  
яхши кўрганингиз учун атайлаб Қувадан  
кўчат олиб келиб қўйган бўларкан. Узум-  
лар... болаларим ейди деб Олтиариқдан  
хўсайни узуми олиб келиб экмадим. Энди  
кимлар ейди бунини?

Йиғидан қизарган кўзимни ишқаб,  
тандир бошига бордим. Тандир четига  
турган энгчани олиб, авайлаб силадим.  
Онам янги уйга кўчиб келганимизда суп-  
радан тортиб, нон ёпадиган рапидогача  
олиб келганди. Ўша тобда (айлман-да)  
тандирга олов ёқиб, нон ёпгим келарди.  
Болаларимнинг овози қўлоғимга эшитил-  
гандек бўлди. Ҳар доим нон ёпсам, тан-  
дир “жағи”га қулчалар ёпиб берардим.  
Косага сув қуйиб қутиб ўтирган болалар  
иссиқ нонни сувга ботириб яйраб ерди.

— Йўқ, бу пулдан, бу уйдан ҳам баҳоси  
қимматроқ лафз деган тушунча бор. Ўзимиз  
чорлаб, ўзимиз мактаб айтган нарҳимизга уй  
сотдик, яна ўзимиз сўзимиздан қайтиб обрў-  
мизни тўқамизми? Туринг, кўз ёшингизни  
артинг. Бу уйнинг тиккаланишида кеча-кун-  
дуз елкадош бўлиб тер тўқкан укаларимни,  
сингилларимни қақирамиз. Дастурхон ёзиб,  
сўнгги марта шу жаннатдек ҳовлимизда ўти-  
рамиз. Қузда келиб, узум, анор анжирлардан  
қаламча қилиб, ота ҳовлимизга экиб қўяман.  
Тошкентдан ҳовли оламиз, насиб этса. Ўғил  
уйлаб, қизларни ўқитиб, елкамиздаги бурч-  
лардан қутулиб олсак, яна боғ қиламиз. Шу  
уйдагидек узум, олма, дадамдан мерос  
бўлган анжирлар ўша ерда ҳам ўсаверди.  
Биздан бу маҳаллага доғ эмас, боғ қоляпти.  
Ҳали-ку, боғимиз насиб қилгани ёш оила  
экан, дарактларимиз меваларини қушлар еса  
ҳам бизга саовиб тегади. Отангизнинг қизи  
бўлинг, — деди қатъият билан.

Марҳаматга борсак, атайлаб ўша кўча  
бўйлаб ўтамиз. Дарвозадан ичкарига қира  
олмасак ҳам таниш, қадрдон ичкарига бир на-  
зар ташлаш кўнглимизни тўлдирарди.

Орузимиздаги кунларга етдик, шукр. Боги-  
мизда гуриқраб ўсиб турган дарактлар ора-  
сида биз учун ҳаммасидан қадрлиси — На-  
зирхон дадам эккан анжир даракти ниҳоли.  
Ота ҳовлимизда қандай меваги даракт бўлса,  
ҳаммаси бизнинг боғимизда ҳам бўй чўзиб  
турибди. Бу йил ўсиб мевага кирди. Ҳа, айт-  
ганча, “отбағир” узумингиз ҳосили бу йил ўт-  
ган йилгидан ҳам мўл...

Ватан ичиди ватан яратмоқ ҳам бахт экан,  
азизлар. Умид билан боғ яратсанг-у, мева-  
сини кимлардир еса, у ҳам саовиб. Бу галги  
боғимиз бошқачароқ. Хоразмдан гўжум,  
Олтиариқдан “келинбармоқ” узуми, Қўшра-  
ботдан қишмиш, Паркентдан олма, Қувадан  
анор, Зоминдан анжир, болмиш, Хитойдан  
нок даракти келтириб экмадик. Садарайхон  
бўйи дилингизни яшатиб юборарди. Ҳаёт  
давом этяпти.

Ҳаёт йўлини мени бир шаҳардан иккин-  
чисига, бир уйдан бошқасига, бир касб-  
дан иккинчисига йўллаган. Тақдир раҳбар,  
иқтисодчи, муаллими, журналист каби турли  
мақом бериб келаяпти. Аммо ўзимга суяқ,  
ўзимга азиз бир мақомдан сира узоқлаштир-  
майди ва бундан беҳад севинаман. Бу менинг  
тирик табиатга ошиқлигим. Дарактлар, гул-  
ларга меҳрим.

Тошкент давлат аграр университети ҳу-  
зуридаги академик лицейда “маънавиятчи”  
бўлиб ишлаган пайтларимда лицей ҳовли-  
сига у юз туп атиргул эктирганман. Ҳар  
қаторига бир гуруҳ рақамини татхатчага  
ёзиб, қатор бошига қоқтирганман. Аввали-  
га талаба ва ўқитувчиларни базўр чақириб  
бўлибди. Бўш фурсат топилса, гулзорга  
югурадиган бўлишди. Сал қатқалоқ пайдо  
бўлса, гуллар атрофини юмшатар, ўзлари  
малҳамини бериб, суғорарди. Юзга яқин  
арча кўчати ҳам эқдик. Ўқувчиларимиз яна  
шу тартибда ишладим. Бир дона арча қури-  
мади. Бир туп гул шикастанмади. Эгаси  
борингиз ҳаёти бор дегани бу. Тўққиз йил  
шу таълим даргоҳида ишладим. Ижодим

— Сиз улсангиз, Ҳадаяхон опанинг  
ёнига ўзим чиқаман. Опа, бизни кечиринг,  
уйимизни сотмайдиган бўлдик, пулингиз-  
нинг ўрамини ҳам бузилгани йўқ, деб узи-ке-  
сил ҳал қилиб чиқаман. Тушунган, кенг-  
фелъ аёл, бизнинг ҳолатимизга тўғри баҳо  
беради, — дедим.

тўхтаб қолаётгани учун қаламга яқинроқ  
соҳада ишлагим келди. Кетдим. Қадрдон  
даргоҳдаги ҳамкасблар, айниқса, ўқувчи-  
ларим... Хайрлашув онда кўнглим ҳар-  
чанд бузилса-да, болалар олдида ўзимни  
тутдим. Улар наздида ҳаётнинг ҳар қандай  
синовига қўлиб берадиган раҳбар, муалли-  
ма бўлиб қолгим келди. Аммо лицейдан  
шаҳдам одимлаб чиқар эканман, битта  
арча даракти қўйлагимнинг баридан “уш-  
лади”. Энгашиб ажратишга қанча уринсам  
ҳам урдалай олмайман. Ана ўшанда ўзим-  
ни тугулмай йиғлаб юбордим. Ҳамкасблар-  
им “Бекор бизни ташлаб кетяпсиз. Ҳатто  
дарактлар ҳам сизни қўйиб юборгиси кел-  
маяпти”, дедим. Ўша ҳамкасбларимдан бири  
халқимиз “Ўзбек Мишурини” дея эъозлаган  
Ризамат отанинг фарзанди Муҳаммадраҳим  
Мусаммухаммедов бир сўхбаётида бундай де-  
ган эди:

— Дадам раҳматли Ўзбекистоннинг ҳар  
гўшасида боғ яратди. Боғи кўкларгунча ўша  
манзилларда йиллаб яшарди. Кўчатлари бош  
кўтариб мевага кирса, кейин парваришини  
сохибор шоғирларига ишониб топши-  
рарди. Бир кунни воҳа томонга узум кўчати  
эмкоқчи бўлиб борди. Эрта баҳор, мен ҳам  
отам ёнида эдим. Капа тикиб тирикчилик  
қилардик. Қишлоқ аҳли ош-овқатимиздан  
хабар олиб турарди. Тунда бир одам уч-тўрт  
туп узум кўчатини олиб кетаётганини кўриб  
қолдим. Мизғиб ётган отамни уйғотиб, ил-  
дизи ерга қўйилган кўчатларни ўғри олиб  
кетаётганини айтдим. Шунда отам “Май-  
ли, овозингни чиқарма, болам, олсин. Ўзим  
атай кўпроқ олиб келганман. Боғда пишган  
узумни ўғирлагандан кўчатини ўғирлаб,  
уйида етиштирсан яхши бўлади, қани ҳамма  
шундай қилса”, дедим.

Кўчат экиш мавсимида боғлам-боғлам  
ниҳол кўтариб кетаётган катта-кичик элдош-  
ларимизга кўзим тушса, сохибор отанинг  
шу сўзларини эслаيمان. Ҳа, яхшиларнинг  
сўзи ҳам, амали ҳам йиллар билан кетиб  
қолмас экан. Қай бир шаклда яшайверар-  
кан. Борган жойини обод қилиш, яшаган  
манзилларини табиат фуқаролари — дарак-  
ту гул-ғиёҳлар билан гўзаллаштириш бизга  
улғу аждодларимиздан қолган маънавий ме-  
рос.

Мирзо Бобур Ҳиндистонда, бегона ша-  
ронг, бошқа иқлимда ўнлаб боғ барпо эт-  
ган. Бобурий сулола давомчилари ҳам Каши-  
мир, Лаҳор, Деҳли, Агра қирларига қўйлаб  
боғлар яратгани ҳақида маълумотлар бор.  
Бобур ҳазратлари 1508 йилда валхад  
фарзанди туғилиши муносабати билан Оди-  
напур шаҳрида “Боғи вафо” боғини бунёд  
этишга фармон берган. Бу боғдаги кўчатлар  
атайлаб минглаб қақирим олисдан, шохинг  
она юртидан келтирилган. Машваратларни,  
зиёфат ва кенгашилган шу боғда ўтказар-  
кан. Ҳазрат Бобур боғ унга она юртини эсла-  
тиб туришини таъкидлаган экан. Кейинчалик  
Кобулда ҳам “Чорбоғи Қандаҳор”, “Боғи  
чорбоғ” каби хушбағбат, хушхаво боғлар  
бунёд этган. Қишлоқнинг ҳар бири фақат та-  
риҳ эмас, меҳнат, машаққат. Шу меҳнат,  
машаққатга инсон саломатлигини яхшилаш  
учун, манзилларни чирой ва гўзаллик билан  
тўлдириб учун дош берган улғу боболари-  
миз.

Маълумотларга кўра, Ҳиндистон ҳамда  
Покистонда ҳанузгача Самарқанд номи бил-  
лан машҳур бўлган узум навлари бор экан.

Замон қанча эврилмасин, миллат қони-  
да, ҳужайраларида унинг ўзигагина аён,  
ўзигагина тушунарли, қадрли фазилатлар  
яшаб қоларкан. Демак, бизнинг яна кўчат  
экиш, боғ кўқартириш, юртимизни яшил  
дунёлар, тоза ҳаволар билан яна ҳам кўр-  
маклаштириш ҳаракатини аслида мил-  
латимизга азал тақдирда сифат қилиб ато  
этилган экан.

Президентимизнинг “Яшил макон” умум-  
миллий лойиҳаси билан боғлиқ максаллари  
бизни аслимизга қайтариш, ўзлимизни  
уйғотиш учун навбатдаги адолатли, жасо-  
ратли ҳаракат, десак муболага бўлмайди. Бу  
максад йўлида қалб, меҳр ва юрак билан,  
хотирларимизга, аждодларимизга садоқат  
ила жипслансак, ҳақнинг ҳам, халқнинг ҳам  
розиллига яқин борамиз деб ўйлайман.

ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА  
АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ  
УЧУН МАЗКУР QR-КОДИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.



“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока”  
газеталари таҳририяти” ДМ  
МУАССИС:  
Ўзбекистон Республикаси  
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:  
Салим ДОНИЁРОВ

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва  
муаллифга қайтарилмайди.  
Газетанинг етказиб берилиши учун обданини расмийлаштирган  
ташқилот жавобгар.  
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди.  
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли  
чоп этилишига “Колограк” МЧЖ масъул.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги  
Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги  
томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.  
Нашр индекси — 236. Буюртма — 80.  
38993 нусхада босилди.  
Ҳажми — 3 табоқ. Өфсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2.  
Баҳоси келишилган нарҳда.

Навбатчи муҳаррир: Рисолат Мадиева  
Мусахҳис: Малоҳат Мингбоева  
Дизайнер: Зафар Рўзиев  
Манзилимиз:  
100060, Тошкент шаҳри,  
Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй